



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 4 август, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 61 (7360)

## МДХнинг СОЧИ САММИТИ

Маълумингизким, 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россиянинг Сочи шаҳрига жўнаб кетган эди.

Саммит дастурига мувофиқ 2 август куни Россиянинг Сочи шаҳрида МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам қатнашди.

“Чойзордаги бинолар” мажмуида президентларнинг ялпи учрашуви бўлди. Унда МДХ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш, стратегик барқарорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Президентлар минтақавий масалалар юзасидан ҳам батафсил фикр алмашди. Саммит норасмий бўлгани боис унинг якунида бирор ҳужжат имзолангани йўқ. Шундай эса-да, журнал-устрлар билан бўлган учрашув чоғида, иштирокчилар мулоқот самарали ва фойдали бўлганини таъкидлади.

Саммит доирасида президентларнинг икки томонлама учрашувларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистон раҳбари 1 август куни Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказган эди. Саммитнинг иккинчи куни Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Мулоқотлар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

(ЎЗА).



## АБИТУРИЕНТ ТЕСТ СИНОВЛАРИДА...

**Бундан уч кун муқаддам ҳар йилги каби минглаб абитуриентларнинг орзиқиб кутган дамларига гувоҳ бўлдик. Тест синовлари... Таъбир жоиз бўлса, ҳаётнинг галдаги синови. Ким бу синовдан ўтади, ким ўтмайди, ҳозирча “сир”. Битта “сир” бўлмаган ҳақиқат бор: ҳар бир абитуриентнинг имтиҳон**

**варақаси қатларига талаба бўлиш мақсади кўринмас ҳарфлар билан битиб қўйилган.**

**Хўш, тест синовлари бу йил қай даражада ташкил этилди? Мухбирларимизнинг кузатиш ва таассуротлари шу ҳақда.**

### ДАЪВОГАРЛАР КЎП

Эрталаб абитуриентлар қатори уйқудан турдим.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳовлисига кириб борар эканман, ажабланмадим. Бу ерда ҳар йили шу аҳвол, 1 август куни абитуриентлардан кўра ота-оналар кўпроқ келишади. Мени ажаблантиргани — улар юзидаги хотиржамлик эди!

— Зўр доимо зўр. Тест — зўрларнинг зўрини танлаб беради. Юртимизда иқтидорли ёшлар кўп. Уларга яратилаётган шароитлар бизнинг давримизда қаерда эди, эҳ-ҳей. Мана, ҳамқишлоғим, Даврон Матрасулов, ўтган йили 28 ёшида фан доктори бўлди — физика-математика фанлари доктори! Ўқиган ўзади доимо. Менам қизимни обкелдим, — дейди Туямўйин ГЭСи ходими, ҳазорасплик Комил Рўзимов.

Сирожиддин Ниёзов Наманган вилояти, Уйчи туманидаги Бўяғон қишлоғида яшайди. Хайдовчи. Катта ўғли Баҳром бу йил мактабни тугатди. Низомий номидаги ТДПУнинг химия-экология факультетига ҳужжат топширди.

(Давоми 2-бетда)

### БИРИНЧИ БЎЛИШ ЗАВҚИ

Ҳар қандай нарса ёки ҳодисанинг биринчисида ўзгача завқ кузатилади. “Эҳ нақадар қийиндир, биринчи бўлмоқ” деган эди, замонамиз шоирларидан бири.

А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтига сокинлик чўқди. Соат эрталабки 10 та кам 9. Гавжум ва шовқин-суронга тўла ҳовлида фақат абитуриентларнинг яқинлари қолди. Ўқув корпусига қираверишдаги столлар қайд қилувчилар билан банд. Ичкарида қандай ҳолат ҳукм сураётганлигини ташқарида қолганлар юракдан ҳис қилиб туришарди.

Абитуриент саволлар билан танишиб чиқаётир, эҳтимол миясига пухта жойланган саволлардир, балки тайёргарлик жараёнида дуч келмаганмикан?

Лекин тўғри жавобни кўрсата билиш керак.

Институтга кириш орзусидаги 1035 нафар абитуриент орасида келмай қолганлари ҳам бўлди. Ҳали соат 8 бўлмасданок аудиторияга кириб улгурган абитуриентлар орасидан ким биринчи бўлиб чиқаркин?

Соат 9.30, 35, 40, 45, 50...

Ташқарида турганларнинг нигоҳи эшиқда. Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат тест маркази вакиллари бир неча соатлик синовни пухта, ҳеч қандай фавқулодда ҳодисаларсиз якунлашга сафарбар қилинган.

Соат 10. Эшиқда абитуриентлардан бири кўринди. Биринчи бўлиш завқи ўзига насиб этганини у билмас эди. Юз-кўзидаги жўшқинлик ва шошқинлик ҳаммани бир зум унга кўринмас ип билан боғлади.

Зухра Собирова касбий тайёргарлик йўналишига ҳужжат топширган. Давлат гранти асо-

сида таълим олиши мўлжалланаётган 125 та ўриннинг биттасини ишғол этишни орзу қилаётган абитуриентлардан бири. Ким билсин, балки Зухра тўлов-контрактга “илинар”, бу вақт ҳукмига ҳавола.

Тест маркази вакили сифатида бу ерга юборилган Адҳам Эргашевнинг таъкидлашича, абитуриентлар 23 та гуруҳга бўлинишган. 50 нафар аудитория кузатувчиларини бу жараёнга жалб қилишга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилган.

Институтга биринчи бўлиб ҳужжат топширган, биринчи бўлиб аудиторияга кирган ва биринчи бўлиб синовдан ўтган абитуриентлар қаторида иккинчи, учинчи, ўнинчи, юзинчи ва мингинчиси ҳам турибди. Биз шунга аминмизки, улар орасида саволларга тўғри, ҳаққоний жавоб белгилаган йигит-қизларга қутилган қувонч насиб этгай.

Таълимдаги уч муҳим масала муҳокамаси

3-бет

Мақсад — физика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш

4-бет

Шоирнинг сўнгги шеъри

5-бет

Август кенгашлари қандай ўтади?

6-, 7-бетлар

Кичик БРЭГГнинг катта муваффақияти

13-бет

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўғлим икки йил дарсдан ташқари репетиторга қатнади. НамДУ ўқитувчилари Фарҳод Ҳошимов ва Вайдулло Азизов химия ва биологиядан қўшимча дарс беришди. Она тили ва адабиётдан аяси тайёрлади, у мактабда шу фандан дарс беради. Ўғлимнинг ўзини ҳам имконияти яхши. Кириб кетса керак, деб умид қилиб турибмиз.

Яна ота-оналарнинг суҳбатига кулоқ тутаман. Мавзу ўша-ўша. Бир отахон ажриққа ёнбошлаб, пинакка кетди. У бундай имтиҳонларнинг нечасини кўрган...

Низомий номидаги ТДПУ ушбу йўналишдаги олий ўқув юртлири ичида таянч ўринга эга. Ушбу ўқув юртида таълим олишни хоҳловчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил 2748 ўринга 16075 абитуриент даъвогарлик қилмоқда. Талабгорлар сони кўплиги туфайли мавжуд ўқув биноларидан ташқари университетга яқинроқ жойлашган 12 та мактаб биноларида ҳам тест синовлари ўтказилди.

Ўша кундаги жимжитлик, хотиржамлик бўрон олдидаги со-



да ҳаяжон, таъбир жоиз бўлса, маълум даражада ҳадик. Тошкент Давлат санъат институти ижарага олган Бадриддин Чочий номидаги 91-ўрта мактабга ҳам абитуриентлар тўпланишган. Ота-оналарнинг кўзларида ҳам умид учқунлари...

Шундан сўнг тест китобларини тарқатиш жараёни бошланди. Ҳамма ҳадикда: билганларим тушармикин?.. Сўнгра аудиторияларга кириш, парталарга жойлашиш... Бу йил 203 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган институтга 700 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Айниқса, драматик театр ва кино актёрлиги бўлимларига аризалар ўтган йилга нисбатан анча кўп. Ижодий имтиҳонларда таниқли санъаткорларимиздан Шўхрат Аббосов, Турғун Азизов кабилар иштирок этишганди. Вақт секин-аста ўз поёнига етиб бораётган эди. Ниҳоят биринчи абитуриент имтиҳондан чиқди. Ҳамма қатори биз ҳам ундан тестларга қандай жавоб бера олганлиги ҳақида сўраймиз.

**Арслон АРСЛОНОВ**, кино актёрлиги йўналиши бўйича абитуриент:

— Саволларнинг катта қисмига жавоб беришга улгурдим.

Ўйлайманки, ижодий имтиҳонда олган баҳорим билан бирга ҳаммаси яхши бўлади.

Бирин-кетин абитуриентлар чиқиб кела бошлашди. Ҳар хил ҳолат, кимдир хурсанд, кимнингдир шашти паст.

Ҳа, бу кун кимнингдир омади чопди, кимгадир тескариси бўлди. Лекин, худди мана шу кун уларнинг энг саралари аниқланади. Ўйлаймизки, энг саралари ўзбек санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб, унинг тараққиётида ўчмас из қолдирадлар. Чунки абитуриентлар орасида бу соҳада ўзини кўрсатишга улгурганлари ҳам бор. Ўзбекистон ва Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов шулар жумласидан. Имтиҳон тугагач Тест синовларининг давоми Давлат Тест марказига кўчди...

**Хулкар ТҮЙМАНОВА**,

**Хусан НИШОНОВ**,

**Фарҳод ЭРДОШЕВ**,

“Маърифат”нинг махсус мухбирлари

Суратларда: тест синовларидан лавҳалар.

Сураткаш: **Б.РИЗОҚУЛОВ**

## АБИТУРИЕНТ ТЕСТ СИНОВЛАРИДА...

кинликка ўхшайди. Мана уч кундирки, муҳокамалар давом этмоқда. Бунда абитуриентлар, уларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этаёпти. Яна бир оз вақтдан сўнг ҳаммаси маълум бўлади. Кейин улар учун умуман янги ҳаёт бошланади...

лар ҳамда уларнинг ота-оналари учун тест синови ўтказилган манзилларда ошхона, чойхоналарда маиший хизмат кўрсатилиб, китоб савдоси ярмаркалари ташкил этилди.

Дарҳақиқат, бу йил ўқув юртлирига қабул квоталари ўзгармаган бўлса-да, ўтган йилга нисбатан 5 минг нафар кўп абитуриентлар ҳужжат топширганлигини қайд қилиб ўтиш ўринлидир...

— Бу эса ҳаётга мустақил қадам қўяётган ёшларимизни билим олишга чанқоқлигидан дарак беради, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Дўстмурод Холиқулов.

**Ўткир ПҮЛАТ**  
Навоий вилояти

### САНЪАТ СОҲАСИГА САРАЛАШ

Тошкент шу куни анча эрта “уйғонди”. Имтиҳонга шошиляётган барча абитуриентлар юзи-



### НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ТЕСТ

Навоий Давлат педагогика ва Навоий Давлат кончилиқ олий ўқув юртлирига кириш учун 2001 йил 1 август куни жами 12079 нафар абитуриент мактаблари бағрида устозларидан олган билмларини намойиш этдилар. Тест имтиҳонлари жами 347 та синф ва аудиторияларда 706 нафар кузатувчилар иштирокида олиб борилди. Вилоят ва Навоий шаҳар ҳокимлиги “Маънавият ва маърифат” маркази, Навоий матлубот ҳиссасдорлик жамияти томонидан абитуриент-

## ДЕҲҚОН МАКТАБГА МАДАД БЕРАДИ

Туман ҳокими Т.Қодировнинг саяй-ҳаракати, ширкат хўжалиқларининг ташаббуси билан Сарисийёдаги мактабларга уч-тўрт тоннадан бугдой берилган бўлди.

— Сурхондарёлик деҳқонларнинг бу йил галладан фавқулодда мўл ҳосил этиштирганликлари бутун элга доврукли бўлди, — деди туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ражабали Эрнийёзов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Ҳосилдан омборлар тўлгандан кейин одам анча сажий ва очиққўл ҳам бўларкан. Туманимизда 68 та мактаб бор. Ҳар бир мактабнинг ўзига яраша кам-кўсти, харажатталаб

жиҳатлари бўлади. Ана шуларни назарда тутган ҳолда ширкат хўжалиқлари ўз худудидаги мактабларга уч-тўрт тоннадан бепул бугдой бера бошлади. Шу кунга қадар 140 тоннадан ошиқ галла мактабларга тарқатилди. Ўз навбатида мазкур мактабларнинг ўқитувчилари, техник ходимлари бу фаллани арзон нархларда сотиб олишди. Тушган пул эса мактабнинг зарур эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Ким нима деса десин-у, аммо сарисийёлик деҳқонлар ажойиб ишга қўл уришибди.

Сурхондарё вилояти  
“Туркистон-пресс”

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги болалар ташкилотининг Бухорода бўлиб ўтган биринчи форуми “Истиқлол фарзандлари” деб номланди.

— Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 150 га яқин вакил-

Тадбирда болалар ташкилоти Самарқанд вилоят бўлимнинг раиси Мастура Шарипова, шу ташкилот Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Муслима Отамуродова, ўқувчилардан, тошкентлик Малика Бахтиёрва, термизлик Дилшоҳа Қурбонова ва бошқалар сўзга чиқиб, асрий ор-

## “ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДАРИ”

лар иштирок этдилар, — деди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимнинг раиси Садриддин Шаропов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Шуниси қувончлики, бу болаларнинг барчаси республикамиз мустақиллигининг тенгдошлари — улар 1991 йилда тузилганлар. Форумга “Истиқлол фарзандлари” деб ном берилганлигининг боиси ҳам шунда.

зуимиз, мустақиллигимиз, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, одамлар, хусусан ёшлар тақдирида тутган беқийс урнини мамнуният билан қайд этдилар. Истиқлолни мустақамлаш, юртни юксалтириш навқирон авлод зиммасида эканини таъкидладилар.

Бухоро вилояти  
“Туркистон-пресс”



# МАҚСАД – ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган таҳлиллар, Давлат тест маркази маълумотлари, фан олимпиадалари натижаларига кўра кейинги йилларда республика мактабларида физика фани ўқитилишига эътибор камайгани, ўқувчиларнинг билим даражаси пасайиб кетганини кузатишмоқда.

Давлат тест маркази таҳлиliga кўра физика фанидан ўқувчилар 1999 йилда 29,2 фоиз, 2000 йилда 28,3 фоиз самарадорликка эришганлар, холос. Охириги 3 йилдан бери республика фан олимпиадаларида физика фанидан биринчи ва иккинчи ўринлар бўш қолиб келмоқда. Ёш мутахассисларнинг илмий ва методик тайёргарлиги талаб даражасида эмас. Жойлардаги педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари ва туман (шаҳар) методкабинетлари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларга методик ёрдам кўрсатиш бўйича олиб бораётган ишлар етарли эмас. Умумтаълим муассасаларининг физика фанини ўқитиш бўйича ўқув-методик базаси ночор, улар лаборатория жиҳозлари ва кўргазмаларни қуриллар билан жиҳозланмагани.

Бундан ташқари амалиётчи ўқитувчилар, мутахассислар физика фани дарсликларининг мазмуни ва сифати камчиликлардан холи эмаслигини эътироф этишмоқда. Ўқитувчилар ҳам янги дастурларга мос методик ва дидактик адабиётлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги.

Яқинда Халқ таълими вазирлигида юқорида таъкидланганлар эътиборга олиниб, умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитишни яхшилаш, барча ўқувчилар томонидан давлат таълим стандартларида белгиланган билим ва кўникмаларни юқори даражада ўзлаштирилишига эришиш, ўқув-услубий қўлланма, тавсиялар сифатини орттириш, техникавий фанларни моддий-техника таъминотини талаб даражасига кўтариш мақсадида "Умумтаълим мактабларида физика фани ўқитилишининг самарадорлигини ошириш тўғрисида" 108-сонли буйруқ қабул қилинди. Унда таъкидланганидек, Умумий ўрта таълим бош бошқармасининг "Умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитишнинг аҳволи

тўғрисида"ги маълумоти ахборот ва тааллуқли чоралар белгилаш учун қабул қилинди. Шу билан бирга умумтаълим мактабларида физика фани ўқитилишининг самарадорлигини ошириш бўйича тузилган чоратадбирлар режаси иловага асосан тасдиқланди. (Қуйида илова эълон қилинмоқда).

Ундан ташқари, мазкур буйруқ билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, умумий ўрта таълим (А.Ш.Зокиров), Молия ва режалаштириш (Ш.Б.Фуломов), Педагогик таълим фан ва малака ошириш (А.Қосимов) бош бошқармаларида физика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун амалий физика машғулотида синфни икки гуруҳга бўлиш, малакали лаборантларни тайёрлаш бўйича 2 ой муددат ичиде Молия вазирлигига таклиф киритиш ҳамда Халқаро алоқалар бошқармаси (Т.Мўминов) ва республика Таълим маркази (Г.Алимова)га хорижий давлатлардаги илғор ўқув муассасаларининг физика ва бошқа аниқ фанларни ўқитиш тажрибалари ҳақидаги маълумотлар билан республика

лика таълим муассасаларини мунтазам таъминлаб бориш топшириқлари берилди.

Таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси (З.Холматов) ва "Таълимсавдо" бош бошқармаси (Б.Ҳамидов)га эса физика фани бўйича амалий машғулотидаги ўқувчилар, уларни ишлаб чиқариш ва бошқа давлатлардан келтириш бўйича тааллуқли вазирликлар, республика ишлаб чиқариш корхоналари билан амалий кенгаш ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасига физика фанини ўқитишнинг техник таъминоти юзасидан таклиф киритиш вазифаси юклатилди.


Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига халқ таълими вазирлигининг республика умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларининг ижросини таъминлаш, "Физика, математика ва информатика" журнаliga ҳар бир таълим муассасаси обуна бўлишини ташкил этиш борасида жиддий иш олиб бориш вазифалари юклатилди.

## Rasmiy bo'lim

### Халқ таълими вазирлигининг республика умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлари

Т/р	Тадбирнинг номи	Муддати	Масъул				
1.	Техника, тиббиёт, ҳарбий-техника йўналишдаги ҳамда шу йўналишлари бор бўлган бошқа олий ўқув юрталаридаги кириш тестларида физика фанининг ўрнини ошириш юзасидан тааллуқли вазирликлар ва Давлат тест марказига таклиф киритиш	2001 й. сентябрь	УЎТББ, ПТФМОББ	11.	Физика фанини чуқур ўрганиш бўйича ихтисослашган мактаблар учун дастур тайёрлаш	2001—2002 й	ЎзПФИТИ РТМ
2.	Университетлар ва педагогика институтларида физика ўқитувчиларини тайёрлаш сифати ва миқдори юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш	2001 й. Октябрь	ПТФМОББ кадрлар бошқармаси	12.	"Маърифат", "Учитель Узбекистана" газетаси саҳифасида "Аτροφимизда физика" руқни асосида фандаги янгиликлар бўйича туркум мақолалар чоп этиш	Доимо	"Маърифат", "Учитель Узбекистана" муҳарририяти РТМ
3.	Физикадан амалий машғулотларни самарадорлигини ошириш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш	2001 й. декабрь	УЎТББ, МРББ, РТМ, ЎзПФИТИ	13.	"Физика тарихи" (Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳақида) қўлланмасини тайёрлаш	2002 й.	РТМ
4.	2001-2005 йилларда янги дастур асосида плакат ва планшент, видеофрагментлар тайёрлашнинг режасини ишлаб чиқиш	2002 йил режа асосида	Таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси, РТМ	14.	Умумий ўрта таълим мактаб битирувчилари учун физика фанидан имтиҳон киритиш	2001-2002 ўқув йилидан	УЎТББ
5.	Физика дарси амалий машғулотларини компьютер воситалари орқали ўтиш режа-дастурини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич жорий этиш	2002 йил режа асосида	РТМ, ЎзПФИТИ	15.	Физика-математикага ихтисослашган мактаблар ва синфлар тармоғини кенгайтириш	2001-2005 й.	УЎТББ, ҚҚРХТВ, Тошкент шаҳар ХТББ, вилоят ХТБ
6.	Физикадан намойиш ва лаборатория ишларида фойдаланиладиган айрим асбобларни маҳаллий шароитларда ясаш бўйича қўлланма яратиш	2002 й. февраль	РТМ	16.	Физикадан мунтазам равишда олимпиада, сиртқи телевизион мусобақа, Олимпиада ғолиблари ва иқтидорли болалар учун ёзги мактабини ташкил этиш	Ҳар йили	УЎТББ РТМ
7.	"Физикадан масалалар тўплами"ни (6-9 синф учун) тайёрлаш	2002 й. август	ЎзПФИТИ РТМ	17.	Малака ошириш институтларида ва туман, шаҳар методика кабинетларида "Ёш физик" мактабини ташкил этиш	2001-2002 й.	ҚҚРХТВ, вилоят ХТМОМИ ТУМОИ, вилоят малака ошириш институтлари
8.	Физикадан 6-9-синфлар учун чораклар бўйича ДТС талаблари асосида назорат ишлари тўпламини тайёрлаш	2002 й. август	РТМ	18.	Малака ошириш институтларида ДТС асосида бугунги кун талаб даражасида жиҳозланган физика лаборатория хоналарини ташкил этиш	2001-2003 й.	ҚҚРХТВ, вилоят ХТМОМИ, ТУМОИ вилоят малака ошириш институтлари
9.	"Мураккаб, ўртача қийинчиликдаги масалалар ва уларни намунавий ечиш усуллари" ўқитувчи ва ўқувчилар учун қўлланма тайёрлаш	2002 й. июнь	РТМ	19.	Ҳар бир туман, шаҳарда физика бўйича таянч мактаб ташкил этиш	2001-2002 й.	ҚҚРХТВ, Тошкент шаҳар ХТББ, вилоят ХТБ
10.	Физикавий катталиклар, бирликлар ҳақида "Маълумотнома" ва атамалар лугатини тайёрлаш	2003 йил	ЎзПФИТИ				

Халқимиз севган шоир Муҳаммад Юсуфни газетамизнинг 2000 йил 19 февраль сонига "Меҳмонхона" саҳифамизга меҳмон қилган эдик. "... Дунёда шеърдан ҳам улуғ нарсалар кўп. Мен ҳам шеър ёзмасам бўлмайди, демайман ҳеч қачон. Менимча, биринчи ўринда шеър турмайди. Ундан улуғроқ бўлган одамийлик, меҳр-оқибат деган туйғулар бор. Масалан, мингта шеъримни боламнинг тўккан бир томчи кўз ёшига алишмайман. Яна шеърдан улуғ бўлган ОНА бор, Қуръони карим бор. Шеър — кўнглимнинг иши. Шоир кўнглидагини ёзади, хоҳлаган одам эшитади. Умуман олганда, шеър ёзиш эркак киши учун асосий ишмас. Агар менга, сен бугундан ёки энди умуман шеър ёзмасанг бутун дунёда ҳамма бахтли яшайди, десалар, ҳозирдан бошлаб ёзмаган бўлардим. Қисқаси, шеър — менинг орзуларимнинг энг чўққиси эмас" деган эди у.



## Xotira

Дарҳақиқат, у ҳаётнинг мазмунини фақат қоғоз қоралашдан иборат эмаслигини англаган ва шунга яраша фикр юритадиган инсон эди. Муҳаммад Юсуф хоҳ Олий Мажлис депутати бўлсин, хоҳ Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар шеърияти бўйича ўринбосарлигида бўлсин, доимо халқ келажагини, миллат равақини, юрт тинчлигини ўйлади. Унинг ушбу фаолиятдан ҳам шеърдан улуғроқ бўлган орзулари бўлганлигини англаш қийин эмас...

Ҳассос шоир, дилкаш инсон Муҳаммад Юсуфнинг ёрқин хотираси ҳамisha ёдимизда сақланади, унинг соғда, самимий шеърияти ҳеч қачон мухлислар тилидан тушмайди.

Қуйида шоирнинг сўнги кунларида бирга бўлган елкадоши Шухрат Мусонинг хотиралари ҳамда Муҳаммад Юсуфнинг охириги шеърини эълон қилмоқдамиз.

## ШОИРНИНГ СЎНГГИ ШЕЪРИ

У билан Дўрмонда сўнги уч ой бирга яшадик. Ҳатто ишга бирга бориб, бирга келардик. Ишдан қайтаётиб, Дўрмондаги кўп қаватли бинода жойлашган хонадонига кириб, оиласини кўриб чиққач, яна соя-салқин ижод масканимизга келардик. Сўнги кунларнинг бирида ишдан қайтарканмиз, Муҳаммад ака дабдурустан:

— Юр, сенга бир ҳақиқатни кўрсатаман, — деб қолди.

Тўғриси, шоирнинг жумбоқларига, нимага шаъма қилаётганига унчалик тушунмасам-да, аммо итоаткорлик билан ортидан эргашдим. Асли шоир учун бундай ҳолат одатий экан. Балки шунинг учундир у билан юрган киши зерикмасди.

Ширмонбулоққа учрашувга борганимизда ҳам устоз белгиланган вақтдан анча олдин, тонг саҳарда зиёратгоҳга отланди. Боргач, биргаликда зиёратгоҳнинг ҳамма жойларини зерикмай айланиб чиқдик.

— Ширмонбулоқда сафарда пиёда юриш керак.

— Нега? — сўрадим ундан.

Жавоб бермади. Тошкентга келгач, бир кун тунда шу хусусда сўз очиб, ўзи ёрилиб қолди.

— Айтишларича, Ширмонбулоқни тонгда Абу Ҳурайрининг

руҳлари кезиб кетармиш. Ҳизир алайҳис-салом эса кўпинча шу жойда дам оларкан. Гап Ҳизир алайҳис-саломнинг сахийлигида, тилаган тилагингни бажо келтиришидагина эмас, булар иккиси ҳам доимо инсонларнинг кўнглини олиб, ғариб дилларга малҳам бўлишган.

Шундай қилиб бозорга кирдик. Одам тирбанд. Юргани йўл тополмайсиз. Ўзимизча ул-бул харид қилгач, ортга қайтдик. Ўз-ўзидан барча бизни кўрганлар шоирни ўраб олишди. Кўпчилик Муҳаммад ака билан қўл бериб сўрашишга ошиқар, аксарият мухлислари турли саволларга кўмиб ташлар, кимдир харидларини пала-партиш кўтарганча, кимдир растасини ҳам ташлаб бизга эргашарди. Машинага ўтирганимизда оломон қўл силтаб, шоирнинг дийдорига тўймай қолди. Қанийди, кундузи билан ишлаб чарчамаганида, вақт зик бўлмаганида шоир улар билан узоқ суҳбатлашар, барчанинг кўнглини оларди.

Хайрлашув пайти "рулга ўтир" деди менга дабдурустан. Машинанинг моторини ўт олдириб, оҳиста силжитганимда, у орқа ўриндиққа тескари ўтириб, халқ билан қўл силтаб хайрлашди. Тўпланганлар ортда қолганлари-

да шоир машинани тўхтатиб, ўзи рулга ўтирди.

Муҳаммад Юсуф халқини эъзозлаган, халқини севган инсон эди. «Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а» деган сатрлари сўз эмас, қалб торининг оҳанги эди. Машина ўриндиғига терс ўтириб, шоирини ҳурматлаган халққа юз бурганча уларга табассум билан қўл силтаб хайрлашди. Шоир доимо садоқатли бўлиш ҳақида гапирарди. Айниқса, устозларга садоқат унда жуда ҳам кучли эди.

Шоир беғубор осмонни, кўм-кўк далани жуда севарди. Унинг учун ҳамisha юртимиз азиз саналган. Тилидан ўзининг "Римга алишмасман бедапоянгни" деган сатри тушмасди.

— Мен ўзбек, яна ким! — деб қўярди шоир ижоддан толиққан пайтларимиз. Гўё шу чорлов сабаб барча толиқишлар саробга айланиб, яна кучга тўлардик.

Муҳаммад Юсуфнинг сўнги шеъри "Булут" деб аталиб, негандир уни рўзи маҳшарга ўхшатганди. Тақдирни қарангки, бугун шоирнинг жойлари жаннатда, руҳлари рўзи маҳшарда учиб юрган бўлса, ажаб эмас.

Шухрат МУСО

Муҳаммад ЮСУФ

### БУЛУТ

Оқ булут, оқ пар булут,  
Кўкдаги каптар булут.  
Сенга дардим сўзласам,  
Бўлур минг дафтар булут.

Бир қизни суйган эдим,  
Ишқида куйган эдим.  
Тўйда бир кўрган эдим,  
Сен ўзинг ахтар булут.

Сен кўкда, мен ердан,  
Сен озод, мен тердан.  
Топгин, мен қаердан?  
То рўзи маҳшар булут.

Сен кўкингдан тушмагин,  
Ғамзаларга учмагин.  
Бевафони қучмагин,  
Жонларим қақшар, булут.

Мен-ку бир меҳмон эдим,  
Шод эдим, шодмон эдим,  
Умидли инсон эдим,  
Ким мени сақлар булут?!

## МУХИМ

ёхуд халқ таълими ходимларининг аънавий август кенгашлари

## Август кенгашлари қандай ўтади?

Халқ таълими ходимларининг бу йилги аънавий август кенгашлари жамиятимиз ва халқимиз томонидан Республика мустақиллигининг 10 йиллигини тантанали нишонлашга қизгин тайёргарлик ишлари амалга оширилаётган кутлуг бир паллада ўтади.

Маълумки, жорий йилнинг июнь ойида "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарида "2000-2001 ўқув йилини яқунлаш ва янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича вазирликнинг тавсиялари" эълон қилинган эди. Унда тугалланган ўқув йили яқунларини, биринчи галда таълим мазмуни, самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш, янги ўқув йилида уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

Мазкур тавсиялар 2001-2002 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришининг асоси, таълим ислохотларини чуқурлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш ва режалаштириб олишнинг мантиқий давоми, ўзаги бўлиб қолиши зарур. Чунки, таълим муассасалари фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, йўл қўйилган нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, унга тўғри ташхис қўйилмасдан туриб фаолиятда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Август кенгашларида, унинг ялпи мажлиси ва шўба йиғилишларидаги маърузаларда ва чиқишларда Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан буён ўтган 10 йил ичида мамлакатимиз таълимида рўй берган туб ўзгаришлар, Республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси томонидан қабул қилинган ва "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарида эълон қилинган тавсиялар атрофлича таҳлил этилиши, бугунги кун муаммолари, истиқболдаги вазифалар ва уларни энг мақбул йўللари билан бажариш, энг асосийси август кенгашлари барча ўқитувчилар ва тарбиячиларда таълим олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилиши лозим.

Келажагимиз ворислари - болаларимиз қалбида эътиқод даражасидаги маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда 2000-2001 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтказилган, 2001-2002 ўқув йилидан умумий таълим мактаблари ўқув режасига киритилган "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курслари муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқув фанларини ўқитишни таъсирчан, юқори савияда йўлга қўйиш зарур.

Хўш, бу йилги ўқитувчиларнинг Август анжуманлари қандай ўтади, уларда нималарга алоҳида ўрин ажратилиши, қандай масалаларни муҳокама этиш зарур? Фикримизча, Август анжуманларини таълим муассасаларида ўтказиладиган педагогика кенгашлари олдида, ялпи мажлиси ва

ҳар бир фан бўйича шўба йиғилишлари кўринишида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу йиғилишларни 25-26 август кунлари ўтказиш энг мақбул муддатдир.

Август кенгашларининг ялпи йиғилишлари туман ҳокимлари маърузаси билан бошланиши аънавага айланган. Ҳоким маърузасида таълимга қўйилаётган давлат таълим стандартларини бажариш таҳлилларига, Республика ўқитувчилари анжуманининг кўрсатма ва тавсияларининг ижросини таъминлашга, биринчи галда таълим мазмуни, самарадорлигини ошириш масалаларига йўналтирилган бўлиши керак. Ўқитувчиларнинг бу муҳим август кенгашларида намуна кўрсатиб меҳнат қилаётган педагогларни моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириш ишларига аҳамият бериш керак.

Фанлар бўйича шўба йиғилишларини ўтказишга масъул мутахассислар уни самарали ташкил этишга ўта масъулия, ташкилотчилик ва омилкорлик билан ёндошувлари талаб қилинади. Тажрибадан маълумки, аксарият ҳолларда шўба йиғилишлари ярим кун давомида етарли ташкилий тайёргарликларсиз, қуруқ маърузалар, иккинчи даражали масалалар устида баҳс-тортишувлар билан ўтказилиб, тadbир самарадорлигига путур етказиш ҳолларига дуч келинган. Бу эса йиғилишга қатнашган ўқитувчиларни бефарқликка, палапартиш ҳолда ўқув-тематик режаларни кўчириб олиш билан чегараланишга одатлантириб қўйган. Бундай ҳолга барҳам бериш зарур.

Шўба йиғилишлари олдида шундай аниқ мақсад ва вазифаларни қўйиш зарурки, унда иштирок этган ҳар бир ўқитувчи кўтарилган масалаларни ўзи ишлаётган педагогик жамоага батафсил етказсин, унинг тафсилотлари ҳар бир муассасида, метод бирлашмада ишлаб чиқилиб, 2001-2002 ўқув йили иш режаларига асос қилиб олинсин. Ўқув йили давомида ўқитувчи ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида фидокорона меҳнат қилсин.

Республика ўқитувчилар анжумани тавсияларидан келиб чиққан ҳолда Республика таълим маркази ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган шўба йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалалар мавзулари юзасидан ўз тавсияларини ишлаб чиқди. Шунингдек, уларда фанларни ўқитишдаги янгиликлар, дастур ва дарсликлардаги ўзгаришлар, дарсларда янги педагогик технологияларни қўллаш муаммолари ўз аксини топган.

Бу йилги август анжуманларини ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

— Қайси фан ўқитувчилари шўбаси бўлишидан қатъий назар шўба йиғилишларининг биринчи кун Республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси тавсиялари ўрганилиши ва тегишли тadbирлар қабул қилиниши, "Мустақиллик дарси"ни ўтишга тайёргарлик ва 2001-2002 ўқув йили давомида дарсларнинг тарбиявий мақсадини Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги, миллий истиқлол гоёси билан боғлашга қаратил-

ган аниқ тавсиялар берилиши керак.

— Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва методистлари, бошланғич синф, тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчилари шўба йиғилишларида юқоридагилардан ташқари Республика Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида" ги фармони асосида тайёрланган дастурларни мукамал ўрганилишини назарда тутиш лозим. Сабаби, ушбу тоифадаги мутахассислар махсус курсларни ўқитишга тайёрланган вақтда дастур ва ишланмалар, қўлланма ва дарсликлар тайёрлаб улгурилмаган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур таълим босқичи ва фанлар бўйича яратилган дастур ва қўлланмаларга зарур ўзгартиришларни киритишга тўғри келди. Бу ўзгаришлардан ўқитувчи ва тарбиячилар воқиф бўлишлари керак.

— Тавсияларда кўрсатилганидек, бошқа фанлар қатори "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари", "Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш" махсус курслари ўқитувчилари учун ҳам алоҳида шўба йиғилиши ўтказилади.

Ўқитувчилар Август ойи анжумани шўба йиғилишларининг ҳар бирида мактабдан камида биттадан мутахассиснинг иштирок этиши лозим. Мактабда ўтадиган педагогика кенгашида ана шу мутахассисларнинг қисқача ахбороти, метод бирлашма йиғилишларида эса тўлиқ ахборотлари тингланиши ва шўба йиғилишларида белгилаб берилган вазифалар асосида метод бирлашманинг янги ўқув йили учун иш режасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, шўба йиғилишларининг иккинчи иш куниди эса бевосита фанни ўқитишнинг назарий-усулбий жиҳатлари ҳамда таълим мазмуни ва самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Давлат ва жамият томонидан бугунги кунда барча тур ва тоифадаги таълим муассасаларида хизмат қилаётган педагоглар зиммасига қўйилаётган асосий талаб ва вазифа ўқувчи, талаба ёшлар онги, шуурида миллий мустақиллик гоёлари ва мафқурасининг эътиқод даражасида шакллантиришга эришиш, ёш авлодни Она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, унинг Президенти, халқига садоқат туйғуларини камол топтириш, халқимизнинг азалий ва қадимий аънаваларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини эъзозлаш ва уларни эгаллаб олинишини таъминлаш йўлида унумли, ижодий меҳнат қилишга сафарбар этиши керак. Ана шу вазифалар удраланса, ўқитувчи, тарбиячи, мураббийларнинг ўз Ватани ва Президентини олдидаги муқаддас бурчи адо этилади ва бу пировард натижада давлат ва жамиятнинг халқ таълимини ривожлантиришга кўрсатаётган доимий ғамхўрлигига муносиб жавоб бўлади.

Халқ таълими вазирлиги  
умумий ўрта таълим Бош бошқармаси

## ОНА ТИЛИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг V-VIII синф ўқувчилари ўтган ўқув йилида ДТС асосида яратилган "Она тили" (Х, Неъматов ва б.) дарсликлари билан шуғулландилар. Жорий ўқув йилда эса ушбу дарсликларнинг узвий давоми бўлган VIII синфда янги мазмундаги "Она тили" қўлланмаси асосида машғулотлар олиб борилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 203-Қарори билан синовдан ўтиб, педагогик амалиётга йўлланма олган мазкур дарсликлар таълим усули билан олдинги дарсликлардан тубдан фарқ қилади. Ушбу дарсликлар асосида ташкил этилган машғулотларда асосий фаолиятни ўқувчи бажариши, ўқитувчи эса жараёни бошқариши, йўлланма бериб бориши лозим. Бу вазифани амалга ошириш учун эса она тили таълими мазмунини янгилаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича амалиётчи ўқитувчиларга мунтазам методик ёрдам кўрсатиб келинмоқ-

да. Жумладан, шу йилнинг 19-20 апрель кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбек тили" доимий анжуманининг "Она тили-ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг асосий омили" мавзусидаги VI йиғини шўба мажлисларида она тили таълимининг янги таъминоти хусусида атрофлича фикр юритилди, тажриба алмашинди, дарслик муаллифлари билан ижодий мулоқот уюштирилди. Маърузалар тезис ҳолида чоп этилди. Эндиги ушбу шўба йиғилишларидан кўзланган мақсад эса мазкур анжуман тавсиялари, янги дарсликлар мазмун-мундарижаси, у билан ишлаш йўллари ҳақида фикр юритилиши, ўзаро тажриба алмашиш, дарсликларни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф мулоҳазалар билдирилиши лозим.

Бинобарин, тил бойлиги — тафаккур бойлигидир. Она тили миллат тафаккурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштириб боровчи ва ифодаловчи энг асосий воситадир. Шундай экан, она тили таъли-

мининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган ўқувчи-ёшлар ижодий тафаккурини ривожлантириш масалалари Август кенгашлари шўба йиғилишларининг диққат марказида бўлиши лозим.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг II босқичи таълим мазмунига янги педагогик технологияларни олиб кириш вазифасини кўяр экан, мактаб она тили таълимида ҳам бу жараён ўзининг тўла аксини топиши зарур.

Она тили ўқитиш технологияси, тушунчаси, уни қай усулда ўқитиш, нима асосда таълим бериш, таълим жараёнида қандай воситалардан фойдаланиш, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштироки масалаларини қамраб олади.

Ўқувчи-ёшларда ўз она тилига меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, том маънода саводхон бўлишга эришиш тўғри, аниқ, мантиқли нутқ соҳиби қилиб тарбиялаш, мустақил, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ёзма нутқни ривожлантириш, нутқ вазиятига

қараб фикрни ифолай олиш ма-лакаларини таркиб топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунга эришиш йўллари ва усулларини излаш керак бўлади. Педагогик технология, яъни таълимнинг янги шакллари шундай танлаш керакки, она тилининг Давлат таълим стандартлари талаблари мақсадга эришилиб, аънавий таълим усулига қараганда, самарадорлиги юқори бўлиши шарт. Лекин шу нарсани унутмаслик керакки, ҳар қандай янги таълим усули ҳам она тилини ўқитиш хусусиятига тўғри келмаслиги, баъзан аънавий усул янги усулга нисбатан самаралироқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи она тили фанининг ўзига хос хусусияти, ўқувчилар ёши, билим даражаси ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда таълим усулини танлаши ва бу ўқитиш усули ўзининг пировард натижаси, самараси билан баҳоланиши зарур.

Она тили миллий мафқура, маънавият, маданият ва кадр-

ятларнинг улкан хазинаси, "Она тили миллат тафаккурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ифодаловчи энг асосий восита" эканлиги янги дастур ва дарсликлар концептуал асоси сифатида белгиланган.

Шўба йиғилишларида она тили машғулотлари жараёнида ўқувчи-ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол гоёларини сингдиришда она тили фанининг ўрни ҳақида фикрлашиш ҳамда тавсиялар бериш зарурдир.

2000-2001 йилларда ўқитувчиларга ёрдам сифатида кичик ҳажмда қуйидаги методик қўлланма ва тавсиялар тайёрланиб, чоп этилди. (Мазкур қўлланма ва тавсияларни буюртма орқали РТМдан олиш мумкин).

1. А.Рафиев. Она тили, адабиёт ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фанидан ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш. (Мет. қўл. Т. 2000).

2. Т.Зиёдова. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш (Мет. қўл. Т. 2000).

# ВАЗИФА

## ва таълим ислохотларининг II босқичида амалга оширилаётган ишлар

3. А.Сайфуллаев ва б. Она тили дарсларида нутқ ўстириш. (7 синф дарслиги асосида. Мет. қўл. Т. 2000).

4. Б.Ўринбоев. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш масалалари (Мет. қўл. Т. 2001).

5. М.Абдураимова. Она тили (VIII синф учун йўриқнома ва режалаштириш. Т. 2001).

6. Г.Неъматова. Ижодий тафаккурини ривожлантириш технологияси ва ўқувчининг мустақил фаолияти (Мет. қўл. Т. 2000).

7. Таълим жараёнида ижодий тафаккурини ривожлантириш масалалари (Тезислар тўплами Т. 2001).

8. А.Сайфуллаев. Ўзбек мактабларининг V-IX синфларида таълимий баён (Мет. қўл. Т. 2001).

Шўба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Она тилидан ДТС талаблари ва уни бажариш йўллари.

2. Она тили таълими жараёнида миллий истиқлол ғоясини сингдириш усуллари.

3. Ижодий тафаккурни ривожлантириш омиллари.

4. Она тилидан ноанъанавий дарслар.

5. Таълимда янги педагогик технологиялар.

6. Она тилидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими.

7. Ўқувчиларни умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялашда она тилининг ўрни.

8. Она тили таълими ва ахборот технологияси.

9. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари.

10. Фанлараро алоқани жорий этишда она тилининг ўрни.

Тавсия этилаётган мавзуларда она тили таълимнинг муҳим жиҳатлари инобатга олинган. Ушбу мавзулар муҳокамасида мавжуд аҳвол таҳлил қилиниб, аниқ тавсиялар берилиши лозим.

Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онги ва қалбига сингдириш она тили таълимнинг ҳам асосий вазифаларидан биридир. Шу маънода "Она тили таълими жараёнида миллий истиқлол ғоясини сингдириш усуллари" мавзуси муҳокамасида Мустақиллик даврида яратилган V-VIII синф дарсликларида миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, шунингдек, миллий истиқлол мафкурасининг тарихий, фалсафий ва иқтисодий асослари ҳамда унинг миллий ва умуминсоний тамойиллари масалалари ҳисобга олинган ва бу олийжаноб ғояларни ўқувчилар онгига сингдиришга қаратилган бир қанча матнлар, суратлар ва мисоллар билан таъминланганлигига эътибор қаратилиши, улардан ўринли ва унумли фойдаланиш йўллари юзасидан фикр юритилиши лозим.

Бошқа мавзулар муҳокамаси ҳам ДТС, дастур, дарслик материаллари асосида синфлар кесимида ташкил қилиниши лозим.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи талабларидан келиб

### АДАБИЁТ

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда ДТС қабул қилиниши билан миллий ўқитиш тизимида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-7-синфларида "Адабиёт" ўқув фани ДТС талаблари асосида ўқитилмоқда. Юқоридаги ҳар учала синф учун янги дастурга мос янги "Адабиёт" дарсликлари (5-синф "Адабиёт" Н.Каримов ва б. "Ўқитувчи" 1999), (6-синф "Адабиёт" Қ.Йўлдошев ва б. "Ўқитувчи" 2000) нашр қилинди. Жорий ўқув йилида ушбу дарсликларнинг узвий давоми бўлган янги мазмундаги 8-синф "Адабиёт" (А.Каттабеков ва б. "Ўқитувчи" 2001) дарслиги асосида машғулотлар олиб борилади.

Ушбу дарсликлар ўқувчини ўқиб-ўрганишга, изланишга, ўз устида мустақил ишлашга ўргатади. Дарсликларда ўқувчиларни бир хил фикрлаш ва ягона хулоса чиқаришга йўналтирувчи усуллардан воз кечилган. Ўқитувчининг асосий мақсади ушбу дарсликлар орқали соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўла оладиган комил шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришдан иборатдир.

Август кенгашлари шўба йиғилишларида миллий истиқлол мафкурасининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби асосий ғояларини ўқувчи қалбига қай даражада, қандай йўллар ва воситалар ёрдамида етказиш ҳақида фикрлашиш, тавсиялар бериш зарурдир. Шу ўринда ўқитувчи "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ("Ўзбекистон" — 2000) рисолати "Адабиёт" дарсларида ўқувчиларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш (Қ.Йўлдошев, Ж.Йўлдошева — 2001) методик тавсияларидан фойдаланиши мумкин.

Мамлакатимиз миллий истиқлолни қўлга киритганига, халқимиз ўз эрки, озодлигига эришганига 10 йил тўлди. Бу санани муносиб кутиб олиш учун республикамизда катта тайёргарлик кўрилмақда.

Шу муносабат билан мактабларда машғулотлар, "Мустақиллик дарслари" билан бошланади. "Мустақиллик дарслари" бошқа машғулотлардан тубдан фарқ қилиши лозим. Мазкур машғулотлар истиқлол, озодлик, эрк сўзларининг туб маъносини чуқур англашиш, бу йўлда жон фидо этган миллий қахрамонлар, илм-фан ва маданиятни юксакка кўтарган даҳолар, қатағон йилларининг хур фикр инсонлари, шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган оламшумул воқеалар ҳақида қизғин суҳбат, баҳс-мунозара, мушоиралар уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи талабларидан келиб

чиқиб, замонавий методлар, янги педагогик технологияларни қўллаш, машғулотларда ўқувчининг мустақил ишлашга, эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларга ўз меҳнати, изланиши туфайли эришишига шароит яратиш, йўналтириб бориш, ўқувчини ўқитиш эмас, ўқишга ўргатиш зарурлиги доимо ўқитувчининг эътиборида бўлмоғи ва режалар шу талабларга кўра белгиланмоғи керак.

Август кенгашлари адабиёт шўбасида юқоридаги масалалар, шунингдек, янгилашган "Адабиёт" дастури билан ишлашнинг йиллик яқунлари, натижалари, ютуқ ва камчиликлари, илғор тажрибаларни сарҳисоб қилиш ва келгуси режаларни белгилаб олиш лозим.

2000-2001 ўқув йилида ўқитувчиларга методик ёрдам сифатида 5-6-7-синфлар учун чораклик тест топшириқлари, "Адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш", 6-синф учун "Ўқитувчи китоби", 6-синфда "Навоий ижодини ўрганиш", "Алишер Навоий газаллари асосида баҳрибай" каби методик тавсия ва қўлланмалар чоп этилиб, жойларга етказилди.

Жорий ўқув йилида 5-6-7-8-синфлар Қ.Йўлдошев ва бошқалар томонидан яратилган "Адабиёт" дастури ва дарсликларидан 9-10-11-синфлар У.Норматов ва бошқалар томонидан яратилган дарсликлардан фойдаланадилар.

1997-2000 йилда чоп этилган ўқув-методик қўлланмалар, шунингдек, 2001 йилда чоп этилган ўқув-методик қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Анъанавий Август шўба йиғилишларида давра суҳбатлари, баҳс-мунозара, тажриба алмашиш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Адабиётдан ДТС талаблари ва унинг амалиётга татбиқи.

2. Адабиёт дарсларида ўқувчиларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш йўллари, воситалари.

3. Ўқувчилар билимини кўп балли рейтинг тизимида баҳолаш.

4. Адабиёт дарсларини янги педагогик технология асосида ташкил этиш.

5. Адабиёт дарсларида ўқувчилар нутқ маданиятини такомиллаштириш.

6. Адабиёт машғулотларида ўқувчиларга сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий билим бериш масалалари.

7. Ўқитувчилар анжумани материалларини ўрганиш, янги ўқув йилидаги вазифаларни режалаштириш.

8. Ўқувчиларни миллий гуруҳ ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш муаммолари.

9. Мумтоз адабиёт — миллий маънавий кадриятлар асоси.

10. Адабиёт дарсларига қўйилган замонавий талаблар.

### ЎЗБЕК ТИЛИ

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш таълим тизимида муҳим ўрин тутди. Чунки миллат

ҳаётининг реал воқелиги, унинг тажрибаси, одат ва анъаналари, кўп асрлик тарихи ва маданияти тилда ифодаланади.

Шундай экан, ўқувчиларда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва муомала одоби тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва улардан кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда фойдаланиш ҳар бир машғулотнинг мақсади туриши лозим. Шу мақсадда янгилашган дарслик ва қўлланмаларда умуминсоний ва миллий кадриятларни тарғиб этувчи, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбияловчи матнлар, ўлка тарихи, маданияти ҳамда маънавиятини улуғловчи адабий-бадиий намуналар ўз ифодасини топган.

Ўзбек тили таълими бўйича шўба йиғилишида ўзбек тилидан ДТСнинг амалиётга татбиқи, "Соғлом авлод" дастури, миллий мафкура ва ҳуқуқий тарбия, ўзбек тили таълимида янги педагогик технология масалалари, шунингдек, янгилашган "Ўзбек тили" дастури бўйича ишлашнинг йиллик яқунлари, натижалари, ютуқ ва камчиликлари юзасидан мутахассислар ва амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб, келгуси иш режаларини белгилаб олиш кўзда тутилади.

Дастлабки дарсда эса минг йиллик адабий-маданий меросимиз ҳақида, мустақиллик, озодлик тушунчаларининг моҳияти, Ватан, халқ озодлиги йўлида курашган миллий қахрамонларимиз, кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятини юксалтирган даҳоларимиз, буюк соҳибқирон Амир Темури, шоҳ ва шоир Бобур ҳақида, қатағон йиллари қурбонлари ҳақида, шунингдек, бугунги кунда республикамизда амалга оширилган оламшумул воқеалар ҳақида суҳбат, баҳс-мунозаралар уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

2000-2001 ўқув йилида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 5-синфларида ўзбек тили проф. Р.Толипова бошчилигидаги гуруҳ томонидан тузилган дастур, дарслик, шунингдек, амалдаги 5-синф (Р.Йўлдошев ва б.) дарслигидан ДТС ва янгилашган дастур талаблари асосида, шунингдек, 6-7 синф "Ўзбек тили" дарслигидан ижодий ҳолда фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилган эди.

2001-2002 ўқув йилида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-6-синфларида ўзбек тили дарслари проф. Р.Толипова бошчилигидаги гуруҳ томонидан тузилган дастур ва дарсликлар асосида олиб борилади. Мазкур дарсликлар ўзбек тилини ўқитишнинг янги тамойили асосида ёзилган бўлиб, уларда ўзбек тилининг нутқий қонун-қоидалари матн асосида, матн орқали содда ва ихчам шаклда тушунтирилган бўлиб, у ўқувчиларни дарс жараёнида мустақил фикрлашга ва фаол бўлишга ундайди.

Дарсликлар ҳозирги кунда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўқувчиларда нутқий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган коммуникатив тамойилга асосланган. Ушбу дарсликлар шу пайтгача амалиётда қўлланаётган дарс-

ликлардан фарқли ўларок, улар грамматика эмас, илмий-амалий тамойилга асосланган, яъни ундаги материалнинг ҳар бири ўқувчиларда бирор бир нутқий вазифани бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган. Аммо, бу грамматик материаллардан воз кечиш дегани эмас, балки грамматик материаллардан нутқий бажаришда восита сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Шунинг учун дарсликларда грамматика амалий жадваллар орқали нутқий вазифаларга бўйсунган ҳолда берилган. Ўқувчиларда ўзбек тили грамматик тизими ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун грамматик тизим бўйича жадваллар дарсликнинг охирида илова қилинган. Бу жадваллар ўқувчиларда ўзбек тили грамматик тизими ҳақида тасаввур пайдо қилиш ниятида берилган бўлиб, ўқитувчи улардан ҳар бир лексик мавзуга асос қилиб олинган грамматик шаклларнинг бу тизимдаги ўрнини кўрсатиш учун фойдаланади.

Таълим бошқа тилларда (қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) олиб бориладиган мактабларнинг 2,4,5-синфларида дарслар (Р.Йўлдошев), 3-синф (А.Рафиев). "Ўзбек тили" дарсликлари асосида олиб борилади. 3-синф "Ўзбек тили" (А.Рафиев) дарслиги қайта ишланиб такомиллаштирилди. Хусусан, дастур талабидан келиб чиққан ҳолда янги мавзулар билан бойитилди, ўқув чораклари ва бу даврларда ўтказиладиган тадбирларга мувофиқ дарслик материаллари қайта тақсимлаб чиқилди. Шунингдек, миллий рух, миллий кадриятларни ифодаловчи матнлар киритилди.

Хуллас, ўқитувчиларга методик ёрдам сифатида қуйидаги ўқув-методик адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ўзбек тилидан ДТС (Р.Йўлдошев ва б.) ҳамда "Ўзбек тили дастури" (5-9-синфлар учун Р.Толипова ва б.).

2. "Таълим тараққиёти" махсус сон №1, 1999.

3. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун "Ўзбек тили дастури" (Р.Толипова ва б.) "Тил ва адабиёт таълими" журнали, 1999.

4. Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш (А.Рафиев)Т. 2000 й.

5. 2-4-синфлар учун ўзбек тилидан чораклик тестлар. Т. 2000 й.

6. Ўзбек тили дастури (таълим рус тилида олиб бориладиган ихтисослашган мактабларнинг бошланғич синфлари учун) Т. 2000 й.

7. Ўзбек тили таълими ва янги педагогик технология. Т. 2000 й.

8. "Ўзбек тили" (8-9-синфлар учун йўриқнома ва режалаштириш).

7-синфда амалдаги "Ўзбек тили" дарслигидан (ижодий ёндошган ҳолда) фойдаланиш мумкин. 8-9-синфларда (Р.Йўлдошев, М.Усмонова "Ўқитувчи" — 2000). "Ўзбек тили" дарсликларида фойдаланиш тавсия этилади. 1997-2000 йилларда чоп этилган ўқув-методик адабиётлар (аввалги тавсияларда берилган)дан ҳам 2001 йилда чоп этилганидан ҳам фойдаланилади:

(Давоми бор)



# ВАТАН МУҲАББАТИ МАДҲИ

Иждокор борки, туғилиб ўсган Ватанини мадҳ этади. Унинг тоғларини, боғларини, далаю даштларини тараннум айлайди. Ватанга муҳаббатини унинг табиати, бойликлари, сўлим гўшаларини таърифлаш орқали билдириб, садоқатини баён этади. Низомжон Парда Ватан севгисини унинг тарихини ўқиб-ўрганиб, тасвирлаш билан кўрсатади. Унинг уч китобдан иборат "Хайрат" деб номланган ижодий жамламаси истиқлолимизнинг 10 йиллиги ҳамда яқин кунларда нишонланадиган Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига муносиб тўхфадир.


Биринчи китоб — "Хайрат ёхуд Бо-бошаҳар дунёси" деб номланган. Унда Ватанимиз, жумладан, Сурхондарё зами-нида яшаб ўтган буюк кишилар, давр суриб ўтган салтанатлар тарихи-дан сўзловчи ривоят, ҳикоят, латифа, шеър, драма ва бадиалар ўрин олган.

Иккинчи китоб — "Хайрат ёхуд етти сайёра" деб номланади. Мажмуада "Етти сайёра" ишқий-романтик досто-ни ҳамда шоирнинг турли йилларда ёзган шеърлари жамланган.

Учинчи китоб — "Хайрат ёхуд Ойба-ланд". Низомиддин Парда ушбу романи билан ўзининг серқирра иждокор эканлигини, назмда бўлгани каби на-срда ҳам дурустгина қалам тебрата олишини исботлаган.

Адибнинг ушбу китоблари шуниси

билан қимматлики, ўқувчилар назмий, насрий, драматик асарлардан эстетик завқ олиш билан бирга жуда кўплаб тарихий маълумотлар оладилар. Сур-



хон, Қўнғирот, Денов, Бойсун, Чағони-ён каби ўнлаб тарихий, кўхна ва ҳозир-да ҳам мавжуд жой номлари, уларнинг келиб чиқиши, луғавий маънолари ҳақида китоб-жамламада қимматли маълумотлар, ўзига хос қарашлар берилган.

Бугунги кунда, мустақиллигимизни тобора мустаҳкамлаб, тенглар ичида тенг бўлишга интилаётган халқимиз учун уларни руҳлантириб турувчи кад-риятларимиз ўрни бекиёс. Низомжон Парда асарлари ушбу ғояга хизмат қилади. Унинг ўзи айтганидек: "Ватан муҳаббати, ёр васли, ишқ фалсафаси, ҳаёт жумбоқларидан сўзлаш ва эши-тиш бугун ҳам долзарбдир".

КАРВОНЛИ

"Шахмат ақли пешлайди", ёки "топишмоқ фикрни чархлайди" деган гапларни кўп ишлатамиз. Шиддат билан тараққийёт сари юзланаётганимиз бугунги кунда эса ҳар хил кроссворду сканворду бошқотирмалар ҳам ақлни пешлайди, ҳам фикрни чархлайди, десак янглишмаймиз. Уларга бугун замон билан ҳамнафас



## АҚЛ ВА ФИКР ҚАЙРОФИ

бўлишга интилаётган деярли ҳар бир нашр жой ажратган. Ҳатто бош-дан-оёқ бош-қотирмалардан иборат нашрларимиз мавжуд. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, демак, бунга муштарийларда эҳтиёж бор.

"Ишқибоз" гуруҳи томонидан мунтазам нашр этилаётган "Доно ишқибоз" ("Иждокорнинг" нашриёт уйи, 2001 й) бошқотирмалар тўплами ҳам шу эҳтиёж туфайли чоп этилаёттир. Бу галги тўртинчи тўпламда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқроқ журналистика факультети талабаси Шўрат Хўжаев тузган энг сара бошқотирмалар мужассам бўлган. Унинг сизга тақдим этган бошқотирмалари "ақл ёшда эмас, бошда" деган ҳикматни яна бир бора тасдиқлашига ишонамиз.

Бош қотиринг, азиз мухлис! У ақлингизни пешлайди, фикрингизни чархлайди.

Шер АЛИ.

# ЎЗИМИЗТВИЖЕТ ТАЗЕМА

Бугун газеталар ниҳоятда кўпайиб кетди. Ўз сўзига эга бўлмаган, ўз қиёфасини шакллантириб улгурмаганлари ҳатто илова чиқариб ётишибди. Ҳамма нарса биринчи қадамга боғлиқ. Айниқса, газетачилиқда. Дастлабки сониданок кўпчиликда қизиқиш ўйотмаган, жалб қилмаган нашрнинг кейинчалик зўр бўлиб кетиши камдан-кам учрайди.

"Тил ва дунё" нишона сони биланоқ кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Газета ҳақида илқ фикрлар билдирилди. Бунга асосий сабаб — "Тил ва дунё" Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

доирасидан чиқиб, катта-катта мавзуларга ҳам қўл урмоқда. "Сиз қандай фикрдасиз?", "Безовта фикр", "Баҳсга чорлаймиз", "Одамни, оламни ўрганамиз!", "Дониш чироғи" рукнлари остида берилган материаллар фикримизга далил. "Аслиятдан таржималар" рукни эса оддий қилиб айтганда, катта воқеа.

Сўзимизни мухтасар айлаган ҳолда, эътиборингизга "Тил ва дунё" саҳифаларида эълон қилинган материаллардан бир шингил ҳавола қилишни лозим деб топдик. Ушбуни ўқиб сиз ҳам "Ўзимизнинг газета экан-ку", дейишингиз тайин.

**ДОНО**  
Япон халқ эртаги  
Япония мамлакатига "Ата-мага ийдес" деган, яъни исми ақлли, калласи ишлайдиган, оқил, доно маъноларини англатувчи бир киши яшаб ўтган экан. Бир куни ўша Доно катта ҳовли-жой сотиб олибди. Бироқ у сотиб олган ҳовли юзи билқиллаган тўпқондан иборат эди. Дононинг ҳар бир босган қадамидан чанг-тўзон кўтари-ларди. У ерни экин экишга тай-ёрлашга қурби етмаслигини билгач, ақлини ишга солиб кўргиси келди ва эртаси куни барча қўни-қўшни, танишлари-ни уйига зиёфатга таклиф этди. Ўзи эса, узун, 40 зинали нарвон ясаптирди. Барча йи-ғилиб бўлгач, "Дўстларим, бугун сиздан абадий ажралишим-га тўғри келади. Сизларни асло унутмайман, мендан рози бўлинглар, шумликларим, ҳазил-хузулларим қаттиқ бот-ган дамлар учун узр сўрайман. Энди хайр, алвидо, биродар-лар!" дея секин-аста нарвон-дан осмонга кўтарила бошлаб-ди. Шунда йиғилган оломон ун-га: "Пастга туш, майли, шўх ҳазилларингни ҳам кўтарамиз, фақат ортага қайтиб, ёнимизда юрсанг бас", деб бақаришиб-

чақаришиб, ҳар томонга югури-шиб, сакрашиб, фарёд солиб йи-лайверишибди. Уларнинг ҳар то-монга сакраб, югуриб йиғлаш-лари натижасида кўзларидан оқаетган дув-дув кўз ёшлари мўл-кўл сув бўлиб ерга қуйилиб сингар, секин-аста тўпқон ҳам қаттиқ ерга айланиб борар экан. Доно эса, нарвоннинг энг тепа-сигача чиққач, барчасининг дод-

## Аслиятдан таржималар

фарёди янада авжига минаёт-ганлигини пайқаб, секин-аста пастга туша бошлабди. Пастга тушгач, ҳамма унинг қайтиб ерга тушганлигини кўриб, ҳайрат билан олқишлабди. Доно "Дўстларим, сизнинг дод-фарёд, оху но-лангиз Худо даргоҳига етиб бор-ди, меҳрингизни кўриб, У мени сизнинг хузурингизга қайтариб юборди", деб уларга меҳр-оқибатлари учун миннатдорлик билдирибди.

Шундан кейин ҳамма ҳар то-монга тарқалиб кетибди. Доно бўлса, ақли орқали элга азиз бўлгани, кадр-қиммат топганидан хурсанд бўлиб, мурод-мақсадига етибди.

# ҲАЁТГА ҲАМОҲАНГ НАВО

Шеърят осмонида пайдо бўлган ҳар бир янги номга катта умид билан қараймиз. Бу маънода шоир Ҳамид Абдура-йимовнинг "Мовий олам", "Ташриф", "Қанот", "Эфия" шеърӣ тўпламларини ўқир эканмиз, уларга қиритилган шеърлар бетиним меҳнат са-мараси эканлигини ҳис эта-миз. Шоирнинг "Мовий олам" шеърӣ тўплами: "Неки қил-сам, қилдим ижро бир санам-нинг тилагин..." — деб бошла-нади ва "Бу кунлар, албатта, ўтиб кетади, ортида абадий меҳр қолади..." дейилган шеър билан якун топади. Бу, шун-чаки, ох-воҳ гиштларидан па-лапартиш қурилган шийпонча

ёзилган нақшга кўзимиз тушади саройнинг илк хоналаридан бири-га кириб. Шоир бу дунёга келиб-кетишдан мазмун ахтаради, уни инсоний меҳрда, муҳаббатда бел-гилайди ва ана шу муҳаббатни тараннум этади.

Тўпламдаги шеърларнинг лу-ғавий таркибига назар ташлайди-ган бўлсак, форс, араб тиллари-дан ўзлаштирилган сўзларни жуда кам учратамиз. Шоир, чуқур ан-лаган ҳолда, кўзни толиқтирмай-диган, халқ оғзаки ижодига яқин шеърлар яратишга интилади. Бу-нинг учун у қайта-қайта халқ тили лексик қатламларига мурожаат этади, оддий кишиларнинг сўз ва тушунчаларидан андоза олади, уларни усталик билан безайди ва фикрнинг жозибали равишда тез сингишини таъмин этади.

Шоирнинг "Мовий олам", "Эфия" тўпламларидаги шеър-лар, асосан, ишқ мавзусига ба-ғишланган бўлса, "Ташриф", "Қа-нот" тўпламларидаги шеърлар ҳаётнинг паст-баланди, яхши-ёмонини кўриб кўп нарсаларнинг шохиди бўлган инсоннинг ўғит-лари, ҳикояларига ўхшаб кета-ди.

Шоирнинг ижоди ҳақида ай-тилган фикрлар ҳолислигини таъ-минлаш мақсадида бошқалар фикрини ҳам ўрганиш жоиз. "Бу қадар серқирра ва шаклан ихчам шеърларни кўпдан бери ўқима-ган эдим", — дейди биз билан бўлган суҳбатда мусиқашунос олим Иброҳимжон Рўзиев шоир-нинг "Ташриф" шеърӣ тўплами ҳақида.

Шеърятнинг машаққатли йўли, чин иждокорнинг оғир меҳ-натига ҳамоҳанг этиб:

**Олма бўлиб, тол бўлмай,  
Не балога қолдим-ей,  
Меваси мўл дарахтнинг  
Ташвишларин олдим-ей.  
Ҳар томондан қулочлаб  
Отилган тош меники,  
Ҳар калтакка чидаган,  
Эгилган бош меники,** — дейди шоир шеърларининг би-рида. Бу ҳақиқатни инкор этма-ган ҳолда: "Ҳаётда бу тоифа да-рахтларни, эзгулик бўстонини, меҳр саройларини ўз ҳимояси-га олувчи боғворлар посбон-лар ҳам бор!" — дегимиз келди, бу шеърӣ қошонага яна бир назар ташлаб ва унинг меъмо-рига юксак иждокор парвозлар тилаймиз.

— Шоир ҳамиша ҳаёт оқими-ни тадқиқ қилиб яшайди, ҳодиса-лар замирига чуқур разм солади. Эҳтимол, ана шу тадқиқотлар уни ҳайратлар дунёсига етаклар.

**М. ЖУМАОБОВ,  
Низомий номли Тошкент  
давлат педагогика  
университети  
профессори.**

Шоир Ҳамид Абдурайимов шеърлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ушбу шеърлар ўзига хос идрок, тафаккур маҳсу-ли бўлиб жаранглайди, шеърхон-ни безътибор қолдирмайди, — деб ёзади шоирнинг "Қанот" шеъ-



Кирилл ёзуви-дан лотин алиф-босига асослан-ган янги ўзбек ёзу-виге ўтар экан-миз, янги алифбо-да чоп қилинаёт-ган китоблар, бо-шқа адабиётлар-нинг ўрни беқиёс.

Шу мақсагга яқинда "Ёзувчи" нашриёти томони-дан чоп қилинган "Долзарб луғат" қўлланмаси муҳим аҳамиятга эга. Кирилл имлосидан лотин имлосига

## ЭНГ КўП ИШЛАТИЛАДИГАН СўЗЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

ўтиш даврининг долзарб талаб-ларидан келиб чиққан ҳолда филоло-гия фанлари номзоди Маҳмуд Йўлдо-шев томонидан тайёрланган ушбу луғатга тилимизда энг кўп ишлати-ладиган 8500 дан ортиқ сўзлар ки-ритилган. Улар луғатда биринчи ус-тунда кирилл, иккинчи устунда ҳозир жорий қилинаётган лотин им-лосига берилган.

Луғатнинг яна бир афзаллик то-мони, унда шкки имлога ўнлаб ша-ҳарлар номи, 750 дан ортиқ эркак-лар ва аёллар исми берилган.

Ушбу луғат мактаб ўқувчисидан тортиб саводхонлигини оширишни ўйлаётган барча кишилар учун мўлжалланган.

## «КЕРАК!», «ШАРТ!» — ИХТИРОНИНГ ОНАСИ

Маймун ҳам дарахтдан туша-ди.  
\*\*\*  
Бургут тирноғини кўрсатмас.  
\*\*\*  
От қулоғига ҳикмат не ҳожат!  
\*\*\*  
Бақа кудук ичида шох!  
\*\*\*  
Ғайратлига узун йўл ҳам бир қадам.  
\*\*\*  
Йиғлаганининг юзидан ари ча-қар.  
\*\*\*  
Нуқсонни йўқнинг ҳам етти нуқсонни бор.  
\*\*\*  
Саҳар турган барака топар.  
\*\*\*  
"Керак!", "Шарт!" — ихтиронинг онаси.

**Япон тилидан хорижий журналистика факультети II курс талабаси Баҳора НАСИМОВА таржималари**

МУХБИРИМИЗ



Бор-йўғи ўн икки йиллик меҳнат фаолияти давомида юздан ортиқ шеър, мақола, ҳикоя, пьеса, рисолалар битган муаллим, журналист ва дипломат Саид Ахрорий атиги 36 йил умр кўрди. У 1918 йилда Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида "Ватан" номида мактаб очиб, унда она тили ва адабиётдан, тарихдан дарс берган, "Изчилар тўдаси" номида ёшлар уюшмаси ташкил этиб, ўқувчиларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият берган чин ватанпарвар инсон эди.

Чор мустабид давлати, сўнг совет тузуми даврида унинг изига туширилган хуфялар Саид Ахрорийнинг ҳар бир қадамидан ОГПУ ташкилотларини хабардор қилиб турдилар ва охир-оқибатда уни Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиб, мустақил демократик давлат куриш ниятида "миллий истиқлол" ташкилоти сафида иш тутишда айблаб, 1930 йилда ҳибсга олдилар ва 1931 йилда ўн беш нафар миллий истиқлолчилар билан бирга отувга ҳукм этдилар.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг ватан эркинлиги йўлида шаҳид кетган бу ватанпарвар ўғлонлари хотирасини абадилаштириш мақсадида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида, бўзлаб оққан Бўзсув ёқасида маҳаббатли ёдгорлик барпо этилди. Яқин бир йилдан буюғига ватан озодлиги ва эркинлиги йўлида шаҳид кетганларнинг, ватандан йироқ-йироқларда кафансиз ва жанозасиз қатл этилган ватан ўғлонларининг чирқираган руҳи таскин топгандай.

Муаллим, журналист ва дипломат Саид Ахрорий асарлари тўплаб, нашр этишга киришилди. Унинг бу тўпламга кирган қатор мақолалардан бирини: "Қандай киши мураббий бўла олади?" мақоласини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик. Назаримизда, муаллимнинг бундан 78 йил муқаддам ёзган бу мақоласи бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмагандай.

Холида АХРОРОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Энг арзимаган бир иш учун бировга бош урганимизда ул кишининг ўшал ишни бошқаришга кучи етиб-етмаслигини текшираемиз. Негаким, кийим тикдиргали бирон тикувчига учраганда у кишининг кийим тикшишга мувофиқ бўла олмаслигини — қўли келишмаганлигини сезиб қолсак, уста эмас эканлигини тушуниб, бундан буюқ бундай ишлар учун шундай кишиларга бош урмасликка қарор берамиз. Бу жуда тадбирли бир ҳаракатдир. Лекин қизиқдирки, арзимаган ва аҳамиятти жуда оз бўлган ишлар учун мутахассис, уста бир кишини топишга гайрат этганимиз ҳолда, тарбия, яъни бола боқиб ўстирмоқ тўғрисида сира аҳамият бермаймиз. Бу масалада кўз юммоқ эса ҳеч қачон авф этилмаслик энг катта бир гуноҳдир.

Ҳар ким кийим бичмак ва ёки тикмакда маҳоратли бўлмагани ҳолда бир болани ва ёки бир-бировига жуда ўхшамаган бир гала болаларни тарбия этмак, уларни боқмоқ ва яхшилаб ўстирмоқнинг уйдасидан ҳар ким чиқа олурми экан?.. Тарбия илми бичиш ва тикиш хунаридан осонроқми экан?.. Ҳеч айтмайманки, бу саволимга "ха" деб жавоб бергучи бирон киши чиқсун!..

Тўғриси айтганда, болаларимизнинг тарбияси тўғрисида ҳамма вақт кўзимизни юмиб, жуда парвосизлик кўрсатамиз. Ҳар кимни кўрсак, уни дарҳол домла, ҳалфа, анага билиб болаларимизни унга топшираемиз.

Бу жуда улғу бир хатодир.. Тарбия деган нарса эса энг зиёда қийин бир хунардир.

Бу хунарда муваффақият қозонмоқ учун — бурунги вақтларда жуда кўп ва ҳар хил маълумот ҳам фанларни чуқур билмак талаб этилади. Қисқаси шудирки, ҳар ким мураббий бўла олмайди. Шу ҳолда қандай киши мураббий бўла олади? Яъни бунга муносиб бўлмоқ учун нималар билмоқ шартдир. Ва қандай хислат ва фазилатларга эга бўлмоқ керакдир?.. Сабокларимизнинг бош таомилларда тарбия илми мураккаб бир илмдир дейилган эди. Шундан аниқ билинадирки, тарбиясиз, ободсиз бир киши — ҳар қанча зийрак ва маълумотли бўлса ҳам — мураббий бўла олмас. Ҳатто қуруқ маълумотнинг ўзи мураббий бўлишига етмайди. Негаким, болалар ҳар ишда ҳамма вақт катталарга тақлид этадилар. Кўпинча бир боланинг тарбия юзасидан отаси ва она-

нинг ишда ва муомалада, номус ва ифрат ҳам одоб эгаси бўлишлариға диққат қилмоқ шартдир. Ҳатто тарбия ва ахлоқи бузук бўлиб фақат илм ва фан касб этган зарарларидан ортиқдир.

Негаким, кўп жойларда бундай зийрак ва маълумот эгаси бўлуб-да одобсиз ва тарбиясиз қолган кишилар кўп кишиларни алдаб кўндиришида ва ўзларининг ёмон қилиқ ва фикрларини тескарича яхши қилиб кўрсатишда, фикр ва фасод ясашда бошқа инсонлардан ортуқ даражада куч ва маҳорат кўрсатмоқдадилар. Бинобарин, яна қайтуб айтаман-ки, бир мураббий ва ё мураббийнинг фақат зийрак ҳам маълумотли бўлиши етмайди: балки маълумотдан кўпроқ покиза ахлоқли, яхши муомалали бўлиши керакдир. Айниқса, покиза ахлоқли эканлигини ишда кўрсатиши жуда зарурдир. Негаким, (ғирт, вазифа санасак ва ғирт яхши ахлоқли бўлишининг асосидир) деб ўз қўлига топширилган болаларга фазилат ўргата туриб, мураббийнинг ўзи сўнгра ўзининг ўшал насиҳатлар билан келиша олмайтурган равишда ёмон ҳаракат қилмаслиги лозим. Ҳақиқатан осон деган: гайратли, вазифа санаш, номусли ва ифратли бўлмоққа тегишлидир.

## Муҳаммад Саид Ахрорий

# ҚАНДАЙ КИШИ МУРАББИЙ БЎЛА ОЛАДИР

сига ўхшамоғининг сабаби ҳам будир. Мураббий деган киши болалар томонидан ҳамма вақт тақлид этиладирган жонли бир намунадир. Шунинг учун, маълумотли бўлиб, ҳаракати ва ахлоқи бузук бўлган бир кишини мураббий деб сайламоқ жиноятдир. Бундай бир мураббийнинг маълумотидан қутулган фойда қилиқларидан юзага келадирган зарарларнинг ўрнини тўлдирга билмайди. Рухсат берсангиз шу мулоҳазаларнинг озгина бир қисмини қиз болаларга таҳсис этаман: ўшанда бу аҳамиятли туғун осонроқ ечилар, у чамала қиз болалар учун белгилангуси мураббий шундай олий бир хизмат учун ҳар ҳолда айтгани ҳар хил мулоҳазалардан баҳрадор бўлмоқ баробаринда айна замонда виждонли, тарбияли, одобли ва хуш бўлмоққа тегишдир. Бундай бир кишининг одобли ва тарбияли бўлганлиги турмушидан ва муомаласидан белгили бўлиши керакдир. Хулоса сўзда эмас, балки фикрда ва ишда ҳам ҳамма вақт ахлоқли ва фазилатли эканлиги англашилгандагина мураббийга ишонадилар.

Мураббий деган кишининг сўзи билан иши бирга боргандагина унга бола топширилсун, одоб ва тарбия тўғрисида берган насиҳатларга ўзи амал қилгучи бир киши бўлсун. Сўйлаган сўзларига иш жиҳатида сира тескари борғучи бўлмасун. Негаким, кўп вақтларда болалар қулоқ солмасалар, балки иш ва ҳаракатларни тақлид этилар. Бора-бора кўрилган ҳаракатларга ўрганиб қоладилар. Мураббийлари энгил ва тубан табиатли пичроқ бўлса, шубҳасиз, уларнинг қўлларига топширилгуси болалар ҳам ўзлари каби бўладилар, энг кичик тажрибалар ҳам ҳар замон бу ҳақиқатни кўрсатиб келмоқдадир. Бинобарин, мураббий ва ё мураббий аталишда уларнинг илм ва маърифатларидан илгари ўзлари-

шидан хосил бўлган аралаш, яъни курама бир илмдир. Бинобарин, бир мураббийнинг соғлиқни сақлаш илмига, ҳикмат илмига ва яна ўзга алоҳида илмларга мутахассис бўлиши лозим келмаса ҳам ҳар ҳолда турлу илмлардан бир оз баҳраси бўлмоғунча шундай бир хизматни бошқаришига ишоналмай-миз, айниқса, ва илм руҳ каби бадан ва руҳ тарбияси билан бир неча жиҳатлардан боғли бўлган илм ва фанларнинг — ҳеч бўлмаганда — туб қоидаларига ишона билмоқ керакдир. Мураббийнинг олима бўлиши керак эмас, лекин тарбияга тааллуқли бўлган маълумотга эга бўлиши лозимдир. Айниқса, болаларнинг сезгиларига, табиатларига, ўсишларининг табиий бўлган қонунларига, тилаганларига, маишатга берилишларига: хулоса, виждонларининг ҳар бир хусусига эга бўлмоқ керакдир.

Бундан бошқа маданий одоб билан ошно бўлмоқ керакдирки, тарбия ишида таъқиб этиладирган режа бузилмасдан ҳам урф ва одатга ҳамда фанний аҳволларига мувофиқ бир равишда бора олсун ва кичик болаларнинг табиатларига яхши

ҳат юзасидан қандай ёмон бир хато эканлиги тушунтирилса ҳайрат этадилар. Ёки кўрпа остидаги сандалда озгина олов қолдирилиши билан катта бир уйнинг қуйиши мумкин эканлигини билмайдирларки ва ёки жараён этган, яъни бир ёқдан кучли бир равишда келиб ўтган шамолга қарши туришдан сарҳадга қандай ёмон таъсир этишини билмаганда бошқа агар тушунтирилса сўзга ишонмайдилар.

Бунинг каби кўп тарбияли одамлар кўрилгандир, бир меванинг ва ёки бирон ўтнинг вақтидан, яъни пишмасидан илгари емакдаги зарарларни билмаганлари учун ўзларини катта фалокатларга йўқитирганлар.

Мана шундай арзимаган нарсаларни бошга бўйсунмай юришдан вужудга келган хатоларнинг жуда кўп ўрнақларини топиб, изоҳ айтмак мумкин. Лекин сўзни чўзишдан бош тортиб, асл фикримизни билдиришга киришайлик.

Ҳар қайси юмушнинг бошқарилиши гавданнинг сихат ва ориятли бўлишига боғлиқ дейилган эди. Ҳар илм ҳар нарсдан илгари гавдани ва бинобарин, соғлиқни давом эттиришга хизмат этадирган бўлиши керакдир. Агар ақл билан мулоҳаза қилинса, энг тўғриси ҳам будир. Негаким, ҳар илм ё тўппи-тўғри ва ёки восита билан гавдаимизга, сихатимизга хизмат этур ва шу сабабдан бизнинг аҳволимизни тузатиб саодатга эриштирадир.

Илм: кўп кишиларнинг янглиш тушунчалари каби фақат маданият кишиларга домлалик қилиб юрганларгагина эмас, балки энг, тубан ва энг ваҳши бир турмуш билан яшаганларга ҳам керакдир. Илм аталган нарсаси фақат китобларда ўқилганича эмасдир, турмушга керакли нарсаларнинг ҳар қайси қисмини бўлса бўлсун билмак илмдир.

Ҳар кун, ҳар ерда нодон аталган бир чўбон ҳам чўбонлигини яхшилаб бошқариши учун баъзи нарсаларни билишга тегишлидир.

Ҳар қанча нодон бўлса ҳам ҳайвонларни терлаган ҳолда сугоришдан қандай ёмонлиқлар бўлишини билмаган ва ёки баъзи захарли ўтларнинг зараридан хабардор бўлмаган бир киши чўбонлик ҳам қила олмайди. Бундай бир кишига ишониб ҳайвон топширмоқ ҳам хатодир.

Шу ерга етган ва кўрсатилган мисоллардан англашиладики, илм ҳар кимнинг ўйлагани каби фақат маданият кишиларга эмас, балки ҳар кимга, ҳатто энг нодон яшаган бир деҳқонга ҳам керакдир.

Бир гала болаларни яхши равишда тарбия этишни адо этган бир мураббий ва мураббийга илмининг қанча зарур эканлигини эса ҳар ким ўзи ўйласун! Ўз вазифасига тегишли бўлган илмдан баҳрасиз қолган бир кишига ишониб бир ҳайвон топширилса, олмагани ҳолда бир гала инсонларни топширишга қандай ишониб бўлади? Бу ҳам чуқур ўйланишга тегишли бир масаладир. Бир мураббий ва ёки мураббийнинг ҳар фандан олим бўлиши эмас, лекин мумкин. Мураббия тўғри ва умумий маълумотга воқиф бўлиши лозим эканлигининг бир катта сабаби ҳам будир. Маним фикримча бу тўғрида берилган мунча тафсилот етадир. Энди бу мураббийнинг маълумотли бўлишининг кераклигидан эмас, балки қандай ва қайси маълумотга ошна бўлишининг кераклигидан баҳс этгусидирман.

(Мақола "Маориф ва маданият" журналининг 1924 йил 1-сонида чоп этилган).

## Oramizdagi odamlar



асар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга-дир.

Асқар Сулаймонов мактабда раҳбарлик ишлари билан илмий тадқиқот ишларини қўшиб олиб борди. Педагог-олимнинг "Муаллим ўғитлари" (1998) китоби чоп этилди. Бу китоб кейинчалик янги ўзбек алифбосида, инглиз ва рус тилларида нашр қилинди.

Бундан ташқари, у таълим-тарбияга оид донолар, мумтоз педагог олимлар фикрларини тўплади, бир тизимга келтирди

учун ҳар томонлама баркамол инсонлар тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Бугунги кунда унинг ўқувчилари юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Техника фанлари доктори, профессор А. Абдусатторов, ҳарбий хизматчи, полковник А. Ҳамидов, республика Адлия вазирлиги ходими Ф. Абдуазимов, Бельгиядаги Ўзбекистон элчихонаси ходими Р. Назаров, Сирғали туманидаги 321-мак-

Тошкент шахрига шундоқ туташ бир қишлоқ бор. Кимлардир уни қишлоқларнинг хони деса, бошқалар хон обод қилган дейишади. Майли, ким нима деса десину, бу қишлоқ Хонобод номи билан машҳур ва манзур.

1941 йил май ойининг 15-кунда таваллуд топган ёш Асқарнинг болалиги дахшатли уруш йилларига тўғри келди. Гўдакнинг лабларида эндигина пайдо бўла бошлаган кулгу ўрнини ғам-алам эгаллади. Қаҳатчилик, очарчилик, халқ бошига келган мусибат чуқур илдиз отди. Элнинг сабр қилишдан бўлак иложи

жамиятининг фаол иштирокчиси сифатида илмий маърузалари билан илмий анжуманларда қатнашарди. Хуллас, Асқар Сулаймонов 1965 йилда институтни жўрофия-биология мутахассислиги бўйича муваффақиятли тугатди.

Сўнг ёш ўқитувчи Сирғали туманидаги қатор мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири сингари лавозимларда фаолият кўрсатди. Фахрий муаллимлардан дарс сирларини ўрганди ва ўзи ҳам намунали таълим-тарбия беришга ҳаракат қилди, кўп изланди, тажриба орттирди.

1979 йили тажрибали ўқитувчи А. Сулаймонов Сирғали туманидаги 237-сонли ўрта мактабга директор қилиб тайинланди. У каттагина бир жамоага раҳбарлик қилиш осон эмаслигини яхши биларди ва шу боис ишни жамоа аъзоларини, мактабда мавжуд шарт-шароитларни, имкониятларни пухта ўргана бош-

ди ва шу асосда таълим-тарбия ишларини ташкил қилди. Натижаси эса кўзга кўрина бошлади. Мактаб ўқувчиларининг фанлари ўзлаштириши ҳамда ахлоқ-одобининг яхшиланишида кескин бурилишлар бўлди.

А. Сулаймонов мактабда ўтказилган ўша тажрибалар ва олинган илмий-амалий хулосаларни қоғозга тушириб борди. Кейинчалик йиллар давомида олиб борган ишларини умумлаштириб, китоб ҳолига келтирди. Бу тадқиқот «Ёш авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги» (237-мактаб иш тажрибасидан) номи остида китоб ҳолига келтирилиб, нашр қилинди. Унга киритилган ҳамкорликда ишлаш схемасида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида синф раҳбарлари билан «Қизлар клуби»нинг ёшлар ташкилоти билан олиб борадиган ишлари, шифокорлар билан ҳамкорликда, ҳарбий қисмлар, балоғатга етмаганлар инспекцияси, кутубхоначи, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ўқитувчининг иш режаларидан жамланган. Улар бугунги куннинг миллий истиқлол ғояси ва мафқурасти талабларига тўла жавоб беради. Қолаверса, бу

ва у асар «Донлар хазинасидан» номи билан босилиб чиқди. Шунингдек, у аёллар тарбияси-ни ҳам назардан қочирмади. Бу борада А. Сулаймоновнинг «Аёл — заминда ягона» китоби фикр-имизнинг далилидир.

Амалиётчи педагог Асқар Сулаймон ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчи-хизматчилар ҳамда ўқувчилар онгига Президентимиз асарларида илгари сурилган ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор берди. Бу жараёнда у Президентимизнинг ҳикматли сўзларини тўплади. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг маърузалари, мухбирлар билан савол-жавоб мажмуалари, асарлари ҳикматларга бой бўлиб, уларнинг маъно-мазмуни теран, тарбиявий аҳамияти жуда юксакдир. Шунинг учун ҳам ўша ҳикматларни йиғиш, тўплаш ва уларни китоб ҳолида чоп этиш ниҳоятда муҳим ва зарур эди. Бу йил у тўплаб, нашрга тайёрлаган «Миллий камолот йўли» (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларидан олинган ҳикматли фикрлар мажмуаси) номли китоб чоп қилинди.

Дарҳақиқат, Асқар ака Сулаймонов билимдон мураббий, талабчан муаллим ва раҳбар, энг асосийси, у мустақил юртимиз

таб директори Н. Шукурова, шу-нингдек, нуфузли давлат ташкилотлари ходимларидан Ф. Абдуллаев, Т. Машидов ва бошқалар Асқар ака Сулаймонов шогирдлари бўлиб, устозлари каби ўз вазифаларини фидойилик кўрсатиб адо этмоқдалар.

Энг эътиборлиси, Асқар ака Сулаймоновнинг оилада олти нафар фарзанди бўлиб, уларнинг кўпчилиги ота изидан бориб, ўқитувчилик касбини эгаллашган.

Умуман олганда, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-ўрта мактаб директори Асқар Сулаймонов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини, биринчидан, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш, иккинчидан, мактабнинг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларини тадқиқ этиш ва чоп этиш, қолаверса, мактаб жамоаси аъзоларини мустақил республикамизга сарфатли бўлиш сингари фазилатларни янада шакллантиришда фидойилик кўрсатиш каби ютуқлар билан кўриш олмақда.

Сафо ОЧИЛ,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## ФИДОЙИЙ ПЕДАГОГ-ОЛИМ

қолмади. Чақалоқнинг илк бор айтган «инга-инга» кўшигидаги шодлик мунглик оҳанглари билан алмашди.

У етти ёшида ўз қишлоғидаги 25-ўрта мактабнинг биринчи синфига борди. Одатда, бола тақлидчи бўлади. Митти Асқар ўқитувчиларига тақлид қила бошлади. Дастлаб у уйда хонага алланималарни тўплаб, қатор-қатор қилиб кўярди ва уларга ўзича ҳарф ўргатарди, ўқитувчисининг айтганларини сўзлаб, хатти-ҳаракатларини такрорларди.

Юқори синфларга ўтгач, унда ўқитувчилик касбига қизиқиш орта борди, муаллим бўлишга аҳд қилди. 1958-1959 ўқув йилида Асқар Сулаймонов мактабни муваффақиятли тамомлади. Ва 89-ўрта мактабда бош етакчи бўлиб ишлади.

1960 йили А. Сулаймонов Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг жўрофия — биология факультетига ўқишга кирди. У талабалик йилларидаёқ ўзининг тиришқоқлиги, яхши ўқиши билан гуруҳ, кейин факультет талабалари ўртасида танилди. Талабалар илмий

нидаги 237-сонли ўрта мактабга директор қилиб тайинланди. У каттагина бир жамоага раҳбарлик қилиш осон эмаслигини яхши биларди ва шу боис ишни жамоа аъзоларини, мактабда мавжуд шарт-шароитларни, имкониятларни пухта ўргана бош-

ди ва шу асосда таълим-тарбия ишларини ташкил қилди. Натижаси эса кўзга кўрина бошлади. Мактаб ўқувчиларининг фанлари ўзлаштириши ҳамда ахлоқ-одобининг яхшиланишида кескин бурилишлар бўлди.

А. Сулаймонов мактабда ўтказилган ўша тажрибалар ва олинган илмий-амалий хулосаларни қоғозга тушириб борди. Кейинчалик йиллар давомида олиб борган ишларини умумлаштириб, китоб ҳолига келтирди. Бу тадқиқот «Ёш авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги» (237-мактаб иш тажрибасидан) номи остида китоб ҳолига келтирилиб, нашр қилинди. Унга киритилган ҳамкорликда ишлаш схемасида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида синф раҳбарлари билан «Қизлар клуби»нинг ёшлар ташкилоти билан олиб борадиган ишлари, шифокорлар билан ҳамкорликда, ҳарбий қисмлар, балоғатга етмаганлар инспекцияси, кутубхоначи, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ўқитувчининг иш режаларидан жамланган. Улар бугунги куннинг миллий истиқлол ғояси ва мафқурасти талабларига тўла жавоб беради. Қолаверса, бу

## КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОЛГАН МУАЛЛИМА

Корчадан келган, жамалаксоч, истараси иссиқ қизалоқ мактаби томон шошади. Унинг ўқишга иштиёқи баланд. Ўқитувчиси қизалоқни «асал қизим, аёлочи қизим» дея эркалайди. Ўртоқлари унга ҳавас билан боқишади. Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабда сўнгги кўнғироқ тантанаси. Ёқутхон биринчи синфни «аёло» баҳолар билан яқунлапти...

Ун йил олдинги жамалаксоч қизалоқ 1972 йили ўрта мактабни тугатди. Шу йилиёқ Тошкент хорижий тиллар институтининг инглиз тили факультетига қабул қилинди. Яхши ўқиди. 1977 йили институтни тугаллаш арафасида устозлари унга аспирантурада қолишни, илмий тадқиқот билан шуғулланишни маслаҳат беришди. Диссертация ёклаши учун долзарб мавзуларни тақлиф этишди. Бироқ Ёқутхон ўқитувчи бўлишга аҳд қилган эди. Бунга сабаб отаси Муҳаммадхон аканинг ўқитувчиларга юксак эҳтиромни бўлса не ажаб.

Алқисса, у ўқитувчиликдек машаққатли касб сари илк қадам ташлади.

Иш фаолиятини Тошкент шаҳридаги 7-ўрта мактабда бошлади. Дастлабки йилларда тажрибасизлиги боис бир оз қийналди. Шунда у илми мутахассис бўлиш, ҳали яхши педагог дегани эмаслигини тушунди. Мактабдаги кекса педагоглардан маслаҳат олди. Билмаганини сўраб ўрганишдан ор қилмади. Изланишдан эринмади. Касбга бўлган меҳр ва садоқат, турмуш синовлари олдидаги чидам ва матонат ўз мевасини берди. Ёқутхон тез орада тажрибали муаллима бўлиб етишди. Ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонди. Ўқувчиларнинг севимли устозига, мураббига — Ёқутхон опага айланди.

1990 йили Ёқутхон Набиевнинг Зангиота тумани, «Ғиштчилар» маҳалласидаги бошланғич синфларга ихтисослашган 13-мактаб раҳбарлигига тавсия этишди. Дафъатан опани турли андишалар ўз гирдобига олди. Йўл

узок. «Ғиштчилар» маҳалласи йўналишида юрадиган автобуслар йўқ ҳисоби. Бунинг устига шаҳар мактабда ишлаб ўрганган одам бўлса. Қишлоққа, қишлоқ мактабдаги шароитларга қўнқа олармикан? Аёб боши билан бутун бир мактабга раҳбарлик қилишни эплармикан? Уялиб қолмасмикан? Ёқутхон опа шундай андишалар гирдобидан турмуш ўртоғи Фулом акага маслаҳат солди. Узок йиллар ягона сирдоши, маслақдоши, касбдоши бўлиб келган Фулом ака бу гал ҳам унга далда берди. Мактабдаги аҳвол ҳаминқадар эди. Ўқув жараёнини тартибга солиш, малакали ўқитувчиларни ишга жалб этиш, давоматни кўтариш, синфхоналарни таъмирлаш ва жиҳозлаш... Муаммо кетидан муаммо чиқарверди. Машаққатли меҳнатлар боис мактаб ҳаётида ижобий томонга силжиш юз берди. Аввало мактаб 9 йиллик бўлди. Иккинчидан, қишу ёз йўл азобини тортиб, узокда жойлашган мактабларга қатнаб ўқиётган маҳалла болалари эндиликда бундай машаққатлардан халос бўлдилар. Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида илиқ муносабат, ҳамкорлик ришталари боғланди. Қишлоқ кексалари тилидан дуолар янгради: «Ёқутхон қизимиз, омон бўлсин, касбига, умрига барака».

Бугунги кунда 13-таянч мактабда 200 нафар ўқувчи таълим олади.

Ёқутхон опадан муаммолар ҳақида сўраганимизда, мактаб учун жиндек эътибор, ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган ҳомийлар кераклигини таъкидлади. Қани энди мактаб ҳисобига бир оз ер берилса. Боғдорчилик, полиз маҳсулотлари, иссиқхона дегандек. Ёки тикувчилик цехлари очиш учун кичикроқ бўлса ҳам бирор бино бўлса... Хуллас, опанинг режалари чексиз.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Ўзбекистонда муҳандислик графикаси илмининг сардорларидан бири Юсуфжон ака Қирғизбоевнинг шундай сўзлари бор: «Муҳандислик графикаси, чизма геометрия ўқитувчиси ҳар доим талаба чизмасини бир кўргандаёқ унинг барча камчиликларини бир йўла айтиб бера оладиган даражага келгандагина у қиёмига етган устозга айланади; бундан талаба ҳам, ўқитувчи ҳам ютади. Талаба чизма билан қайта-қайта овора бўлавермайди. Ўқитувчи эса вақтдан ютади.

Ютилган вақтни услубий қўлланмалар ёзишга сарфласа, ундан жамоа ва жамият манфаатдор бўлади».

Дарҳақиқат, талаба чизмасини кўришнинг ўзи ўқитувчидан ҳам педагогик маҳорат, ҳам чизмачилик санъати кўникмаси пухта бўлишини талаб этади. Бундай педагогик санъат ва маҳорат йиллар давомида, педагогик из-

У ҳар бир дарс машғулотини қизиқарли ўтказиш учун ҳаракат қилади. Атоқли конструкторлар, чизмачилик илмининг таниқли олимлари ҳаётдан турли лаҳзаларни талабаларга айтиб бериб, уларни чизмачиликка қизиқтириш маҳоратини эгаллади. Т. Рихсибоевнинг иборасича, ҳар бир дарс машғулотини бир пардали драматик асарга ўхшаши керак. Унда бош ролни ўқитувчи ўйнаса, талабалар бошқа ролларни ижро этишади. Ана шундангина ҳар бир дарсдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Т. Рихсибоевдаги истеъдодни, чуқур билимини сезган Ю. Қирғизбоев унга техникумлар учун «Чизмачиликдан ўқув қўлланма» китобини ёзишда ҳаммуаллиф бўлишни таклиф этади. У киши бунинг уддасидан чиқди. Т. Рихсибоев кўп йиллардан бери кафедра қошидаги «Ёш чизмачилар» илмий тўғрага раҳбарлик қилаёттир. Шу тўғрага за-

## ТЎҒРИ ЧИЗИҚҚА ТИЗИЛГАН УМР

ланиш ва тажрибалар уммонида пайдо бўлади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Муҳандислик графикаси» кафедрасида шундай педагогик маҳорат ва санъатга эга бўлган устозлар талайгина. Улардан бири — Темиржон Рихсибоевдир.

Темиржон Рихсибоев педагогик фаолиятини бошлаган йилларда кафедра мудири Юсуфжон ака Қирғизбоев, Эркин ака Собитов каби устозлардан чизмачилик ва чизма геометрия фанларининг сир-асрорларини ўргана бошлади. Серҳаракат ва теран фикрловчи Т. Рихсибоев ўзи устида мунтазам ишлаб, ўқитадиган фанларини теъза ва мукамал ўзлаштириб олди. Кафедранинг ўша йиллардаги жамоаси орасида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

У 1975 йили техника фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Т. Рихсибоев 1980 йилдан ҳозирги кунга кафедра доцентлиги лавозимида иш-лаб келмоқда.

минда ўтказиладиган олимпиадаларга бошқош бўлиб келмоқда.

Темиржон Рихсибоев доимо янгилик изловчи устозлардан бири. 1994 йили кафедрада талабаларга компьютер графикасини ўқитиш жорий этилганда, шу фандан дарс беришни биринчи бўлиб ўз зиммасига олди. Компьютер технологиясини мукамал ўрганди, шу фандан ўзбек тилида маъруза матнлари тузиб чиқди.

Меҳнатсеворлик Темиржон Рихсибоевнинг гўзал хислатларидан. У деҳқон боласи бўлганлиги учунми, ерни улуглайди, боғ-роғлар яратиш, экин-тикин, чорвачилик билан шуғулланади. Шу йўл билан ўз оиласига қўшимча даромад келтириш йўлидаги ҳаракатлари ҳам бежиз кетаётгани йўқ.

Ҳам ишни, ҳам оилани ўйлайдиган инсон бахтлидир. Бахтли инсонларга эса ҳамма ҳавас қилади. Кафедра жамоаси қаҳрамонимизнинг ҳаммада ҳавас уйғотишини истаб қоладилар.

Ш. КАРВОНЛИ

Atoqli turkman shoiri, noshiri va dramaturgi Ota Otajonov 1922 yilda Turkmanistondagi Murg'ob daryosi bo'yidagi Qoraqum sahrolariga tutash bir tekislik, markazdan yiroq bir qishloqda tug'ildi. Boshlang'ich ta'limni shu yerda oldi. Ammo oliy tahsil olishga ulgurmad. Ikkinchi jahon urushi boshlandi va uning yigitlikka xos romantik orzulari va rejalarini buzib yubordi.

Xush qol, ona tuproq, Xush qol, makonim,  
Sevgi sirlarimning soqchisi, chinor!  
Or-nomus o'tida qaynadi qonim,  
Bu kun g'ayratimni qamchiladi or —  
misralarini bitib, jabha sari jo'nab ketdi. U bu urush ofatligini bilardi, ammo u manfaatparast imperiyalarning mol-mulk uchun, yer va hukmronlik uchun hudud talashish janjali ekanligini bilmasdi. Faqat fashizmga qarshi kurash har qanday yigit uchun or-nomus jangi ekanligiga qat'iyon ishonardi.

Xush qol, ka'bam onam,



mehnat mahsullarini yarata boshlagan xalq uchun buyuk ramz, buyuk tasalli bo'lib yangragani hech ajablanarli emas. Birinchi kitob she'r ixlosmandlari va adabiy jamoatchilik tomonidan yaxshi kutib olinganidan ilhomlangan Ota Otajonov shundan keyin "Orzuli mehmon" (1956), "Yog'sang-chi yana bir, yog'sang-chi yomg'ir" (1957), "Belanchagim sahro mening" (1961), "O'chma, o'chog'im" (1966), "Oyli oqshom" (1972), "Kuz etyudlari" (1977), "Vatan shamoli" (1978) kabi o'nlarcha she'riy to'plamlarini nashr ettirdi. Ayni chog'da to'rt roman, qator-qator hikoya va qissalar, esselar, dramalar, adabiy maqolalari bilan ham uning nomi Turkmanistonda keng tarqaldi.

Ota Otajonov ijodining kattagina qismi o'rta yoshdagi bolalarga atalgan bo'lib, ular faqat mavzu jihatdan emas, ritmlar va ohanglarning rang-barangligi, intonatsiyasining milliyliigi, hikmatlarga boyligi bilan katta-katta adabiy doiralarning diqqatini o'ziga jalb qildi. Oldindan shuni aytish kerakki, Ota Otajonov turkman

## MAXTUMQULI MAKTABINING TOLIBI

Mehribon onam!

O'lsam-da,  
Sutingni oqlab o'larman.  
Yig'lama,

Yig'lama, sevar yor, sanam,  
Inon, men ofatdan omon kelarman.

Darhaqiqat, u Berlingacha borib, ofatdan, jahannam o'tidan omon keldi va bu urush uning uchun hayot universiteti bo'ldi. U, Vataniga qaytib kelganida tinchlik nimaligini juda teran his qilar, har bir odamga, har bir daraxtga, har bir voqeaga juda katta bir mehr va hikmat nazari bilan qarardi.

Avalambor, u oliy tahsil olishga kirishdi. Boshkent Ashxobodga kelib, universitetni tugatdi. So'ngra urush yillari yozgan, jabha gazetalarida qolib ketgan va urushdan keyin urush haqida yozgan barcha she'rlarini to'plab, 1952 yilda "Olma yana gullaydi" nomli birinchi kitobini e'lon qildi. To'plam nihoyatda samimiyligi va

hayotiyliigi bilan o'sha davrda nashr etilib turgan boshqa kitoblardan ajralib turardi. To'plam nomini tashigan "Olma yana gullaydi" nomli she'rida muallif shunday bir manzarani tasvirlaydi: urush vaqti... Artilleriya bombardimoni bitgandan keyin askarlar handaqlardan sakrab chiqqanlarida snaryadlar parchalagan bir olma daraxtini ko'radilar.

Og'ochidan ayri tushgan shoxalar  
Gullarini ko'zyosh kabi to'kibdir.  
Oq gullarni hovuch-hovuch iskashib,  
Ul og'ochga ulug' qasam etdik biz.  
Uning o'tga kuygan orin olmoqqa  
Yarim kecha yana jangga ketdik biz.

Oradan yillar o'tib, askar yana o'sha yerga boradi va o'sha olma daraxti yana gullaganini ko'radi. Yangitdan gullagan olma daraxti to'rt yillik urushdan so'ng tinchlik va tiklanish davrida yana qaddini rostlayotgan, halol

she'riyatida Maxtumquli maktabining tolibi va davomchisi, desak hech mubolag'a bo'lmaydi. Ayni chog'da XX asr shoiri sifatida uning ijodida rus va Ovrupo she'riyatining ta'sirlarini ham kuzatish mumkin. Yana bir jihati shulki, u O'zbekistonda ko'p marta mehmon bo'lgan. Xorazm va Farg'ona vodiysidagi kezindilari ijodida ham iz qoldirgan. "Namanganning qatig'i" afsonasini va bir turkum she'rlarini bunga misol qilib keltirsa bo'ladi. Umuman Ota Otajonov ijodida do'stlik mavzui katta o'rin tutadi. Ana shu keltirilgan barcha sabablarga ko'ra, uning she'riyati faqat turkmanlarning emas, boshqa xalqlarning ham hurmat-e'tiborini qozongan.

Ota Otajonov she'rlari ruschaga va boshqa bir qator tillarga tarjima qilingan. U Turkmaniston xalq shoiri va Maxtumquli mukofoti sovrindori edi.

Miraziz A'ZAM

### HAMISHALIK XALIFAM

Turmush bor.

Turmushda xalifa ham bor.

Uning shogirdi bor, munday bir boqsang.

Sening xalifang kim?

Kimga shogirdsan?

Bundan ma'ni chiqar, mag'zini chaqsang.

Tinmoqni toshlardan o'rganmoq kerak.  
Quyoshdan o'rgangil shu'la sochishni.  
Parvozni qushlardan o'rgansin yurak,  
Dengizdan o'rgansin to'lqin otishni.

Kenglikni o'rganmoq kerak ochundan.  
Yerdan saxiylikni o'rgansa bo'lar.  
Sevgini cho'llarni sug'organ suvdan,  
Nafratni boyqushdan o'rgansa bo'lar.

O'rgansang unutmam, lek, qat'iyatni,  
O'rganmoq uchun ham matonat kerak.  
Menga ona bo'lgan hur tabiatni  
Umrluk xalifa etindi yurak.

### KO'CHA

#### SUPURGAN AYOL

Shafaq oqargan kecha  
Qora soyalar o'tar.  
Soatiga qarashgan  
Qator moshinlar kutar.

Qahrli kuz shamoli  
Shoxalarni taraydi.  
Tong yulduzi osmondan  
So'nggi bora qaraydi.

Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt.

Supurgi tutgan ona  
Tongdan ko'cha supurar.  
O'z ko'nglida go'yo ul  
Gulli kecha supurar.

Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt.

Ona ko'cha supurar,  
Yo'lkalardan kechadi.



Hozir supurgan yerga  
Yana yaproq uchadi.

Ul yaproqlar asfaltga  
Yelim kabi yopishar.  
Ishga shoshgan odamlar  
Ona yodiga tushar.

Ularning ish yo'lini  
Oyna kabi etar ul.  
Suprindini yig'ib, so'ng  
O'z uyiga ketar ul.

Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt.

Eson o'g'li uyida  
Yotadi xurрак otib.  
Oysha sutchi xola ham  
O'tar qaymoq-sut sotib.

Eson o'g'li turguncha  
Pishirar sutni ona.  
Nonushtaga o'g'longa  
Tayyordir qaymoq yana.

Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt,  
Shipirt-shipirt.

### SOYA HAQIDA RIVOYAT

Sahro kezib borgan yolg'iz yo'lovchi  
Soya izlab, ko'p yo'llardan o'tipti.  
Oxiri bir kichik buloq bo'yida  
Azim bir tut soyasiga yetipti.

Yashil yaproqlarni yelpigan shamol  
Bu salqin soyada chalipti xush soz.  
Muzdek suvga qongan horg'in yo'lovchi  
Eshipti yaproqlardan bir ovoz:

— Sen bizni olqishla, ey orom olgan!  
Biz senga bu sarin soyani solgan!

Shoxalar silkinib, kulipti bunga,  
Shamol ham chalipti eshilib bir soz.  
Yuzidan terini artgan piyoda  
Eshipti shoxalardan bir ovoz:

— Biz yaproq undirgan. Biz soya solgan.  
Bizga olqish etgil, ey orom olgan!

Yaproqlar shoxadan quvvat oladi  
Va lekin shoxalar kuch olar kimdan?

Soyasi safoli azamat tutning  
Ildizi gap tashlab qo'yipti zimdan:

— Hey, siz, shuhratparast  
barglar, shoxalar,  
Unutmang hech qachon ildizingizni!  
Yo'lovchi! Sen oqil odamsan o'zing  
O'ylab, soya uchun olqishla bizni!

— Olqish, ey yaproqlar,  
— deпти yo'lovchi, —  
Olqish, ey shoxalar, ildizlar! Ey tut!  
Faqat seni ekib parvarishlagan  
Odamni o'zing ham mudom yodda tut.

### NAMANGANNING QATIG'I

Afsona

1  
Bir zamonlar Namanganning  
Xoni kasal bo'lgan ekan.  
Darmon izlab navkarlari  
To'rt tomon yo'l solgan ekan.

Dom-daraksiz ketib ular  
Keltirmagach dori-darmon,  
Hukmdor xon viloyatga  
Jo'natganmish shunday farmon:

— Kim qutqarsa meni darddan  
Bo'yi qadar oltin beray,  
Uni o'zim kuyov qilay,  
Qadamiga gullar teray. —

Manman degan navkarlari  
Izlabdilar dori-darmon.  
Hech bir iloj topmay, minglab  
Tabiblarni quchmish armon.

2  
Axir bir kun bosh vaziri  
Shunday deпти bemor xonga:  
— Xabar yubor hakimlarning  
Shahanshohi er Luqmonga.

Sarpo olib, oltin olib,  
Tezroq jo'nab ketsin chopar.  
Balki Luqmon, hukmdorim,  
Bu dardingga darmon topar.

3  
Hukmdor xon bu kengashni  
Ma'qul topib, shod bo'lganmish.  
Yana sodiq navkarlari  
Eldan elga ot solganmish.

Yo'l so'ngida Bog'obodan  
Topilganmish dono Luqmon.

— Marhamatli xonimiz tez  
Kelsin dedi sizni lufan.

4  
Sahar chog'i salom berib  
Kirgan chog'i Hakim Luqmon,  
Yana o'shal va'dasini  
Takrorlabdi hukmdor xon:

— Dardimga em bo'lsang, Hakim,  
Bo'ying qadar oltin beray.  
Kuyov qilib seni o'zim,  
Qadamingga gullar teray... —  
Hakim xonni ko'rgandan so'ng,  
O'tirganmish o'yga botib.  
Qo'zg'alibdi shundan keyin  
Xurjunini kiftga otib.

5  
Odaticha, xastaga ul  
Shirin so'zlar aytgan emish.  
— O'ylab ko'ray oqshom, — deya  
Xon ko'shikidan qaytgan emish.

6  
Oqshom chog'i cho'ng chinorli  
Oqar suvli yop bo'yida  
Mehmon bo'lmish dono Hakim  
Sodda bir dehqon uyida.

Dehqon unga shokosada  
Misdai qatig bergan emish.  
Shunda hakim: — Ana? — deya  
Yelkalarin kergan emish.

7  
Qaymoq kabi oq qatig'ni  
Yalab-yulqab yebdi hakim,  
Izidan kelgan vazirga  
Shunday bir so'z deпти Hakim:

— Bor, ayt xonga, vazir og'am,  
Amal qilsin bir ilmga —  
Menlik ish yo'q bu yerlarda,  
Men qaytaman o'z elimga. —

8  
Namanganda ilm kuchli:  
Shifoatli qatig'i bor  
Boshqa dori izlamang hech,  
Ming oltindan bu ustuvor.

9  
Xoningga ayt, oqshom-sahar  
Oq qaymoqday qatig yesin  
Oqshom-sahar shunday qatig  
Qilganlarga, rahmat, desin.

10  
Oltinim ko'p, desa xoning,  
Bersin yetim-esirlarga... —  
Hakimning bu naqli oshmish  
Asrlardan asrlarga.

11  
Shundan beri Namanganning  
Qatig'ini darmon derlar.  
Kunda uch vaqt kanda qilmay.  
Qaymoqday oq qatig yerlar.

Фарғона политехника институти водийдаги етук техника олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Бу ўқув даргоҳи иқтисодий-техникнинг турли тармоқлари учун ҳозирга қадар 35 мингдан зиёд муҳандис мутахассислар тайёрлаб берди. Институтда мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура бўйича мутахассислар тайёрлашда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш минтақанинг иқтисодий ривожланиши, шунингдек, алоҳида корхоналарнинг таклиф ва талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Институт вилоятдаги аксарият қўшма корхоналар учун, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий-техникда ўз ўрнига эга бўлган "ЎзДЭУавт", Тошлоқдаги "ДЭУтекстайл" ҳамда "ЎзСаламан" каби корхоналарга зарур мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар яъни "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг биринчи босқичи натижалари сарҳисоб қилинмоқда. Бунда узлуксиз таълимнинг барча турларида эришилган натижалар, юзага келган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиши, шунингдек, Миллий дастурнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинган.

Иккинчи босқичдаги вазифаларни тўла рўйбга чиқаришда меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мақсад қилиб олинади.

Институтда илк бор магистрлар тайёрланаётганлиги республикамиз олий ўқув юртларининг ҳуқуқий-методий, илмий-услубий, молиявий-моддий

шарт-шароитлари яхшиланганлиги, уларнинг моддий-техника базаси кучайганлиги ҳамда олий таълимнинг узлуксиз таълим жараёнидаги салоҳияти янада кўтарилаётганидан далolat бермоқда.

Магистратурада таҳсил олиш учун номзодларни танлаш ва уларни шахсий режалар асосида тайёрлаш бакалаврият таълим йўналишларининг 4-курсидан олиб борилади. Бунда иқтидорли талабалар, олимпиадалар ғолиблари ва талабалар илмий тўғарақлари ҳамда анжуманларида фаол иштирок этиб

академияси ва тармоқ институтлари малакали профессорлари, илмий ходимлари жалб этилган.

Институтимизнинг битирувчи-магистрантлари ЎзРФАнинг умумий ва ноорганик кимё, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институтларида илмий-тадқиқот амалиётларини ўтайдилар.

Талабалар амалиёти ҳамда Фанлар академияси ва тармоқ институтларининг илмий ходимлари, профессорларини ўқув жараёнига жалб қилиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар бюджетдан ташқари топишган маблағлар

## МАГИСТРЛАРНИНГ ҲУДУДЛАР РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

келаятган номзодларга алоҳида эътибор қаратилади. Улар бакалаврият ниҳоясида илмий йўналишга эга бўлган мавзуларда битирув малакавий ишларини бажаришади.

Институтда магистрлар тайёрлашиши умумда давлат дастури сифатида амалга оширилмоқда. Магистрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатилиш мақсадида тузилган 25 тадан ортқи шартномалар асосида қўшма кафедралар, лабораториялар ташкил этилди. Маърузалар ўқиш, илмий-тадқиқотлар олиб боришга фанлар

жетдан ташқари топишган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Магистрларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлашлари учун кафедраларнинг Фарғона азот ишлаб-чиқариш бирлашмаси, нефтни қайта ишлаш, механика заводлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидида муассаса ва хўжаликларда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг моддий-техника базасидан кенг фойдаланилди. Бу ўз навбатида ўқув, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминламоқда.

Магистрлар — "Қишлоқ хўжалиги ма-

### Milliy dastur—amalda

шиналари ва жиҳозлари", "Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш кимёвий технологияси", "Маъдан ўзгирт ва тузлар кимёвий технологияси" мутахассисликлари бўйича ўз тадқиқотларини ҳимоя қилишди. Мавзулар Фарғона минтақаси ва мамлакатимиз кимёвий саноати ҳамда қишлоқ хўжалигининг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилган. Магистратурада ўқув машғулотлари олиб бориш ва диссертацияга раҳбарлик қилишга бир академик, олти фан доктори, профессорлар, тажрибали фан номзодлари, доцентлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари жалб этилди.

Магистрантларнинг хорижий тиллардан бирини мукамал эгаллаши, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдалана олишлари учун ўқув машғулотлари даврида чет тили, ахборот ва ахборот технологиялари бўйича қўшимча дарслар ташкил қилиниб, уларни тажрибали мутахассислар олиб боришди.

Магистрлик кўламини кенгайтириш мақсадида институтнинг "Маркетинг" бўлими томонидан ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали мутахассисларга, вилоят ўрта махсус касб-хуна таълимининг педагог ходимларга бўлган эҳтиёжлари ўрганиб чиқилди. Бу маълумотлар асосида 2001-2002 ўқув йилида яна учта — "Машинасозлик технологияси", "Саноат ва фуқаро қурилиши", "Сифатни назорат қилиш диагностика асбоблари ва усуллари" мутахассисликлари бўйича магистратура очилиши учун асосномалар тайёрланиб, мутасадди ташкилотларга тақдим этилди.

Р.ТОЖИЕВ,  
Фарғона политехника институти  
ректори, профессор

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ МУҲИМ

Кўп ҳолларда иқтисодий тараққиёт ва атроф-муҳитнинг бузилиши биргаликда юз беради. Бехуда ва сербарака бўлиб кўринган ер курси ўз чегарасига эгадир. Атроф-муҳитнинг иқтисодий кадр-қиммати кўпинча назардан четда қолади. Илмий техника тараққиёти табиатни қайта ўзгартиришда катта имкониятларни вужудга келтириш билан бирга, дахшатли экологик фалокатлар хавфини ҳам намоян қилади.

Ҳеч бир ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигидек табиат билан мустаҳкам боғланмаган. Қишлоқ хўжалигидаги барча чора-тадбирлар маҳаллий табиий шароитни қатъий ҳисобга олишни тақозо этади. Техникдан ёмон фойдаланиш ва технологик бузилиш атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон экологик муҳити шахсининг экологик маданиятини шакллантириш асосий муаммолардан бирига айланмоқда. Шунинг учун бу соҳа илмий ва оқил йўналиштирилган тизимдаги экологик таълим ва тарбияни талаб этади. Мамлакатимиз ёшларининг камолоти уларнинг экологик маданияти билан, экологик маданият эса, экологик онг билан узвий боғлиқдир. Экологик онгни экологик тарбиясиз шакллантириш ва ривожлантириш мумкин эмас. Худди ўша экологик тарбия ёрдамида бугунги йигит-қизлар жамиятдаги экологик вазият ҳақида тасаввур ҳосил қилишади, етарли ғоялар, тушунчалар ҳосил бўлади, ривожланади ва бу жараёнларнинг маънавиятида сифат ўзгариши кузатилади.

Шу боис ҳам экологик тарбияни такомиллаштириш, фалсафа, социология, тарих, педагогика, руҳшу-

нослик, ҳуқуқ ва бошқа фан вакиллари билан биргаликда турибди. Кейинги даврда экологик тарбияни такомиллаштиришга доир муҳим назарий ғоялар, фикр ва мулоҳаза, амалий таклифлар берилганлиги қарамасдан бугунги ёшларнинг экологик тарбиясини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўла очиб берилганлиги йўқ. Тарбиянинг бош вазифаси ва мақсади юксак ғоявий, ахлоқий, киёфага эга бўлган баркамол инсон шаклини камол топтиришдан иборатдир. Жисмоний жиҳатдан бақувват, юксак профессионал малакага, мустаҳкам ғоявий, ахлоқий, маънавий киёфага эга бўлган баркамол инсон шаклини вужудга келтириш учун бутун бир ижтимоий институтлар — оила, мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим, турли жамоат ташкилотлари ўзига хос вазифани амалга оширмоқдалар.

Экологик тарбия бугунги ёшлар онгида табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш малакасини, табиат тўғрисида қайғуриш, унинг гўзаллиги билан фахрланиш каби ҳис-туйғуларни ҳам шакллантиради. Экологик тарбия узок вақт давом этувчи мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, инсон болалигидан, ҳаётга қадам қўйган кундан бошланиши лозим. Бу мураккаб ижтимоий жараённинг самарадорлигини ошириш жамиятимизда мавжуд бўлган турли социал институтлар амалга ошираётган тарбиявий ишларнинг узлуксизлигига боғлиқ бўлади. Ана шу узлуксизлик экологик тарбиянинг самарадорлигини

таъминлайдиган асослардан биридир. Экологик тарбиянинг амалга оширишда жамиятнинг турли социал институтлари билан бирга табиатнинг ўзи, яъни дарёлар, денгизлар, ўрмонлар, ям-яшил далалар, боғлар, гулзорлар ва тоғларнинг иштироки ҳам мавжуд эканлигини унутмаслик даркор.

Экологик таълим ва тарбиянинг аудиториядан ташқарида амалга оширилиши ва олиб борилиши шахсининг ҳиссиёт дунёсига кўпроқ эътибор қаратиладиган жараён ҳисобланади. Бугунги таълим тизими шундай мутахассислар тайёрлаши лозимки, улар ҳар бир ишлаб чиқариш қорорларининг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий-руҳий, экологик оқибатини социологик таҳмин қила олиши ва унинг оқибатини мантиқий ҳулосалаш натижасида олдиндан илмий, назарий, амалий жиҳатдан асослаб бера оладиган бўлишлари лозим. Бугунги экологик ҳолат инсон соғлиғига салбий таъсир этмоқда.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро экологик муаммоларни ҳал қилишга ўз амалий ҳиссасини қўшиши лозим. Бунинг учун ҳар бир фуқаро онгида юртимиз табиатига муносабатда ахлоқий, маънавий ўзгаришлар содир бўлиши ва уларнинг ҳар бирида экологик маданият сифатлари мукамал таркиб топиши лозим. Акс ҳолда, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга ажратилган ҳар қанча маблағлар билан ҳам экологик муаммоларни ижобий ҳал қилиб бўлмайди.

Икром РЎЗМАТОВ,  
Баҳром УСМОНОВ,  
Жиззах политехника  
институти ўқитувчилари

Ўзбекистон фалсафа жамияти, Ўзбекистон  
файласуфлари миллий жамияти, ЎзРФА  
Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва  
ҳуқуқ институти, Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети фалсафа  
факультети ҳамкорликда мамлакатимиз  
мустақиллигининг

10 йиллигига бағишлаб энг яхши  
монография, қўлланма, дарслик, лўғат,  
рисола туркум мақолалар учун

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловни ўтказишдан мақсад мустақиллик йилларида истиқлол йўлидаги бунёдкорона фаолиятларимиз ва тажрибаларимизни фалсафий умумлаштирувчи, унинг илмий назарий асосларини теран таҳлил этувчи, мустақиллигимизнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга, комил инсонни шакллантириш, миллий истиқлол ғояси, мафкурасини халқимизнинг онгига сингдириш ва унинг эътиқоди ва ҳаёт тарзига айлантириш ҳамда уларни нурли истиқболга буюк келажакка сафарбар этиш борасида сидқидилдан хизмат қилаётган олимларимизни рағбатлантиришдан иборатдир.

Танловга олий ўқув юртларининг фалсафа фанлари йўналишида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари, докторант, аспирантлар иштирок этишлари мумкин. Танлов қатнашчилари учун 6 та мукофот тайинланган:

Биринчи урин учун — 50 минг сўм (1)  
Иккинчи ўрин учун — 30 минг сўм (2)  
Учинчи ўрин учун — 20 минг сўм (3)

Танловга қатнашувчилар ўзларининг илмий ишлари билан бирга шахсий варақаларини 25 августдан кечикмасдан топширишлари шарт.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри,  
Талабалар шаҳарчаси, Фаробий кўчаси,  
16-уй (ЎзМУ фалсафа факультети  
биносининг 2-қавати, Ўзбекистон  
фалсафа жамияти).

## АРОФАТ ТАКЛИФИ

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Урдун дарёсининг ғарбий қирғоғига ва Ғазо секторига халқаро кузатувчиларни киритиш таклифини қайтадан илгари сурди. У Италияга сафари чоғида мамлакат бош вазири Сильвио Берлускони ҳамда Рим папаси Иоан Павел II билан учрашди ва улар билан ўз таклифи бора-сида музокаралар ўтказди.

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл эса Исроилнинг ракета хужумидан Америка ҳукумати норози эканлигини яна бир бор маълум этди. Чунки бундай ҳаракат минтақадаги вазиятни кескинлаштиради. Айни дамда Россия ташқи ишлар вазирлигининг махсус элчиси Андрей Вдовин Исроил ва Фаластин раҳбарлари билан можаро юзасидан учрашувлар ўтказмоқда.

Брэглар оиласи тўғри-сидаги ҳикоямизни давом эттирамиз. Бугунги мақоламизда Нобел мукофоти тарихида энг ёш совриндор бўлган олим ҳақида гап боради.

Англиялик олим У.Л. Брэгг 1890 йили 31 март куни Австралиядаги Аделаид шаҳрида буюк олим У.Л. Брэглар оиласида биринчи фарзанд бўлиб дунёга келди.

Ёш Брэгг беш ёшлигдаёқ Рентген нурлари билан яқиндан "танишади". Бу воқеа Вильгелм Рентген томонидан бу нурлар кашф қилганидан бир неча ҳафта ўтгандан сўнг юз берди. Кичик Брэгг тасодифан қўлини синдириб олади ва малакали врач бўлган унинг амакиси катта Брэггнинг оддий усулда яратган дастлабки рентген қурилмасида болакайнинг синган қўлини тиббий кўриқдан ўтказди. Шу йўсинда Австралияда биринчи рентген қурилмасини тиббиётда қўллаш қайд қилинди.

У аввалига Аделаид шаҳридаги коллежда сўнгра шу ердаги университетда таҳсил олди ва уч йилдан сўнг ушбу университетни математика йўналиши бўйича аъло баҳо-лар билан тамомлади. У университетда ўқиб юрган чоғида отаси радиоактивлик ва рентген нурлари соҳасида тадқиқот ишларини олиб бораётганлиги сабабли, ота-бола ўртасида тез-тез кизгин илмий мунозаралар бўлиб турар эди.

1908 йили унинг отасига Лидс университетиде профессорлик лавозимини таклиф қилишгандан сўнг, Брэглар оиласи Англияга кўчиб келди. Ёш Брэгг Кембриж университетиде Ж. Томсон раҳбарлигида илмий ишларини давом эттириш билан бирга ўз отаси билан рентген дифракцион манзараларини ҳам ўрганишга астойдил киришади. Маълумки, бундай манзарани фақат тўлқинларгина ҳосил қила-

ди. Бу нарсага ўз вақтида тушуниб етган ёш олим ушбу ҳодисани дастлаб кузатган Макс фон Лауэ ўз мулоҳазаларида кристаллардаги дифракцион манзарани таърифлашда керагидан ортиқ мураккаб-лаштириб юборганига амин бўлди.

Одатда кристаллардаги атомлар бир текис жойлашган бўлади. У.Л. Брэггнинг фикрича, бирор турдаги дифракцион манзарани аниқ бир кристаллда махсус кўринишда жойлашган атомлар ҳосил қилади. Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, рентген дифракцияси ёрдамида кристаллар тузилишини ва уларнинг турли хусусиятларини аниқлаш имкони туғилади.

1913 йили у ўзининг

## Nobel mukofoti sohiblari

лар. Мисол учун, юқорида айтиб ўтилган хлорли натрий кристаллини ҳам хлор ва натрий атомларини ўзига бирлаштирган молекулалар ташкил қилади, деб юритилар эди.

КИЧИК БРЭГГНИНГ  
КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

кейинчалик Брэгг қонуни деб ном олган тенгламасини эълон қилди. Бу қонун кристаллар тузилмасини аниқлашда рентген нурлари ҳосил қиларган ва берилган кристаллга хос бўлган дифракцион манзара юз бериши учун уларни кристаллдаги атомлар жойлашган текислик билан қандай бурчак остида йўналтириш кераклигини кўрсатади.

У.Л. Брэгг ўзининг бу тенгламасини кўплаб кристалларнинг ҳоссаларини ўрганишда ва таҳлил қилишда қўллаб боради. Унинг рентген дифракцияси ёрдамида дастлабки ўрганиш кристалларидан бири хлорли натрий (ош тузи) бўлди.

1913 йилгача кўпчилик олимлар моддаларнинг атом назариясига асосланган ҳолда кимёвий бирикмалари турли атомлардан тузилган молекулалардан иборат деб ҳисоблар эди-

Брэггнинг тадқиқотларидан маълум бўлдики, ош тузи молекулалардан эмас, балки маълум бир қонуният бўйича жойлашган хлор ва натрий ионларидан иборат экан.

Ота-бола Брэгларнинг 1912-1914 йиллардаги бу соҳада олиб борган илмий тадқиқотларининг натижалари кейинчалик замонавий фан сифатида шаклланди. Рентген кристаллографияси соҳасига пойдевор бўлди. Рентген дифракцион манзарасининг таҳлили минерология, металлургия, керамика ва бошқа соҳаларда моддаларнинг атом тузилишларини ўрганиш бўйича энг зарур қурол сифатида хозирги кунгача ҳам фойдаланиб келинмоқда. Ушбу услублар ўта мураккаб молекулаларнинг тузилишларини аниқлашда молекуляр биология ва киллари бўлган олимларга жуда қўл келди.

1915 йили Нобел жамғармаси кўмитасининг қарори билан физика соҳасидаги навбатдаги мукофот "Рентген нурлари ёрдамида кристаллар тузилмасини аниқлаш билан боғлиқ илмий тадқиқотлари учун" ота-бола Брэгларга берилди. Шундай қилиб У.Л. Брэгг йигирма беш ёшида шундай ноёб мукофот соҳиби бўлди ва у бу соҳада ўзига ҳос "рекорд" ўрнатди. Шу йиллари биринчи жохон уруши бошланиб қолгани сабабли мукофотларни топшириш маросимлари вақтинча қолдирилди.

У.Л. Брэгг 1922 йили ўзининг Нобел маърузаларида "рентген нурлари ёрдамида кристаллар тузилишига эмас, балки атомнинг тузилишини ҳам ўрганиш мумкин, дарҳақиқат рентген нурларининг тўлқин узунликлари "отамлар диаметри"дан кичик бўлгани сабабли, дифракция асосан атомлардаги электронларда юз беради ва бу эса атомлардаги электронлар тўғрисида ҳам қўшимча маълумотлар олиш имкони беради" деб башорат қилди.

1919 йили у Манчестер университетиде Эрнест Резерфорддан сўнг физика профессори лавозимига ишлай бошлади ва бир вақтнинг ўзида ўзининг рентген нурлари ёрдамида кристаллар ҳоссаларини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишларини давом эттирди.

## ҚАРЗДОР АМЕРИКА

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Америка ҳукуматини ўз ташкилотига 580 миллион доллар миқдоридеги қарзини тўлаб қўйишга чақирди. Ўтган йилнинг декабрь ойида Қўшма Штатларнинг ўз қарзларини қисман узиши ҳақида тузилган шартномага мувофиқ, БМТ унинг йиллик аъзолик бадалини камайтиришга рози бўлган эди. Бироқ АҚШ шартномага риоя қилмаяпти. Бош котиб вакили Фред Эххарднинг билдиришича, ташкилотга аъзо давлатлар бадалларни ўз вақтида тўламасликлари таажжубли ҳол. Шунингдек, Қўшма Штатлар яқин вақт ичида қарзини узмасе, у ҳолда БМТдаги унинг етакчилигига путур етади.

КОМЕНДАНТЛИК  
СОАТИ

Би-Би-Сининг хабар беришича, Буюк Британияда биринчи августдан бошлаб 15 ёшгача бўлганлар учун комендантлик соати жорий этилди. У нафақат тартибсизликлар юз бераётган жойларда, балки, тўполонлар иштирокчиларига ҳам нисбатан жорий этилди. Уни қўллашдан мақсад маҳаллий аҳолини безорилардан ҳимоя этиш ва ёш болаларнинг хавфсизлигини таъминлашдир.

Бунга ўхшаш комендантлик соати 1997 йил Шотландияда ҳам жорий этилган эди. Шундан сўнг, орадан олти ой ўтиб, ёшлар орасидаги жиноятчилик 40 фоизга камайганди.

## ЯНГИ ҚАРОР

БМТ Афғонистоннинг 90 фоиз ҳудудини назорат этиб турган Толибонларни музокарага жалб этиш режасини ишлаб чиқди. Эндиликда ушбу халқаро ташкилот қабул қилган янги қарорга мувофиқ мамлакатга ноқонуний қурол-яроғ киритишга чек қўйилади. Шунингдек, Афғонистон билан чегарадош олти давлатга қарорни тўғри амалга ошириш мақсадида ўз вакилларини юборади. Агарда мамлакатдаги қурол-яроғ контрабандасига чек қўйилса, толиблар музокара олиб боришга мажбур бўладилар.

Толибонлар террорчи Усома бин Лоденни халқаро ҳамжамиятга бериш тўғрисидаги талабни бажармагани учун уларга нисбатан қўлланиб келинаётган БМТнинг жазо чоралари қучайтирилган эди.

ДАСТЛАБКИ  
МУВАФФАҚИЯТ

Македониянинг Охрид сайёҳлик шаҳрида ҳукумат вакиллари ҳамда албан сиёсатдонлари ўртасида музокаралар давом этмоқда. Оврупо Иттифоқининг махсус вакили Франсуа Леотарнинг билдиришича, томонлар кун тартибининг асосий масаласи бўлмиш, албан тилига давлат макomini бериш борасида дастлабки келишувга эришдилар. Ҳукумат вакилининг айтишича, мамлакатнинг 20 фоиздан ошиб албанлар яшайдиган учта туманида у расмий мақомга эга бўлади. Аммо ҳозир ҳам жангарилар ва полициянинг тўқнашувлари давом этмоқда. Кунини кеча бўлиб ўтган отишма туфайли бир полиция ходими ҳаётдан кўз юмди, дея хабар беради Рейтер агентлиги.

Халқаро Гаага трибуналида Босния серблари генерали Радислав Кретичнинг жиноий иши кўриб чиқилмоқда. Ҳозирда унга Сребреницада кишиларни оммавий қиргин этиш айби қўйилмоқда. Лекин, генералнинг айтишича, бундан

ГЕНЕРАЛ АЙБНИ  
РАД ЭТМОҚДА

олти йил аввал серб армияси томонидан Сребреницадаги минглаб мусулмонларни ўлдирилишида у иштирок этмаган. Балки ўшанда бу қиргинга Босния сербларининг собиқ етакчиси Радован Каражичнинг сафдоши Ратко Младич буйруқ берган. Ҳозирда уларнинг ҳар иккаласи ҳам геноцидда айбланиб, қидирувдалар.

ТОНИ БЛЭРНИНГ  
АРГЕНТИНАГА САФАРИ

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Аргентинага сафари чоғида президент Фернандо де ла Руа билан учрашди. Учрашув чоғида Тони Блэр мамлакатда кучли иқтисодий сиёсатни ўтказиш борасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлади. Бироқ музокаралар вақтида Фолькланд (Мальвин) ороллари масаласи хусусида тўхталинмади.

Кунини кеча эса Аргентинада минглаб кишилар ҳукуматдан иш талаб этишиб, норозилик намойишлари ўтказдилар. Бунга сабаб мавжуд иқтисодий таназзулдан чиқиш учун ойлик маошлар ва нафақаларни камайтириш бўлди. Айни дамда ишсизлар сони аҳолининг деярли 16 фоизини ташкил этади.

Озарбайжон халқи президент Хайдар Алиевнинг лотин алифбосига ўтиш тўғрисида қонун қабул қилганидан сўнг, лотин алифбосини ўрганишга киришди. Биринчи августдан бошлаб мамлакатда кирилл ёзуви таъқиқлаб қўйилди.

ОЗАРБАЙЖОН ҒАРБГА  
ИНТИЛМОҚДА

Эндиликда, кўчалардаги реклама афишалари ва магазинлар пештоқларидаги ёзувлар ўзгаради, газета-журналлар, китоб-лар янги алифбода чоп этилади. Кўпчиликнинг фикрича, лотин алифбосига ўтиш Озарбайжонни Россия таъсиридан узоқлаштириб, ғарбга яқинлаштиради.


Боир Холмирзаев 1961 йилда туғилган. 1978 йилда Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтининг (ҳозирги М.Уйғур номидаги Санъат институти) мусикали драма факультетига ўқишга кириб, уни 1983 йилда битирган. 1983 йилдан шу кунгача Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театрида фаолият кўрсатмоқда.

Бу актёрнинг ҳақиқий исми шарифини кўпчилик билмаслиги мумкин, лекин Ёшлар телеканали орқали намойиш этилган "Занжир" видеофильмидан сўнг ҳамма уни Баҳром деб атаётди. Сухбатимиз ҳам айнан шу видеофильмда Б.Холмирзаев яратган образ ва унинг устида олиб борилган ишлардан бошланди.

— Боир ака, кўпчилик сизни Баҳром деб атаётди. Мана шу образнинг яратилиш жараёни ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу фильмнинг сценарийси бундан бир неча йиллар аввал ёзилган эди. Биласизми, ҳаммининг ўз ҳақиқати бўлади. Қаҳрамоним Баҳром ҳам жамиятда, ҳаётда ўша ўз ҳақиқатини тикламоқ учун ҳаракат қилади. Баҳром образи ўз характеримга яқин бўлганлиги учунми, у ҳам қишлоқ боласи бўлганлиги учун сабаби ёки доимо ичимдаги ўз ҳақиқатларимга, саволларимга жавоб топиш истагида қайғуришим боисми — бу ролни ўйнашга қийналмадим. Режиссёр С.Бобоев билан барча ижодкорлар маслаҳатлашиб, "мана бу ерида шундай воқеани кўшиш керак, ҳарбий хизматда бўлганманда мана шу эпизод бўлган эди, шу ҳолатни ҳам тасвирга

оламиз" деган гап-сўзлар билан асар яратилди. Аслида Баҳромни кичкина болалигидан бошлаб суратга олмақчи бўлгандик. Лекин кейинчалик ижодий жамоанинг фикри ўзгариб ўсмирлик ҳаётидан асар воқеалари бошлаб юборилди. Мен бир нарсани айтиб ўтишни жуда хоҳлардим. Баҳромга ўхшаган, адолатни қарор топтириш, ноҳақ жабр кўрганларга ёрдам бериш истагида бўлган йигитларимиз жуда кўп. Асардаги Баҳром ана шунақа йигитлардан биттаси. У одам боласи кўриши мумкин бўлган қийинчиликлар, қийноқларнинг барчасини кўради, ҳатто ўлимига ҳам рози бўлади. Лекин яхши одамлар



## «ОРЗУИМ «АЛПОМИШ»НИ ИЖРО ЭТИШ ЭДИ»

дейди актёр Боир Холмирзаев

туфайли у ҳаётга қайтади. Бу образ юртига содиқ фарзанд образидир. Юртпарварлик, ҳақиқатгўйлик, содиқлик — Баҳромда мужассам бўлган фазилатлар. Шунинг учун ҳам Баҳромни, умуман, "Занжир" (ёхуд ўта махфий дафтар) видеофильмини томошабинлар яхши кутиб олишди.

— Боир ака, сиз ҳозир Баҳром образи ҳаётимга, характеримга яқин бўлганлиги учун шу ролни ўйнадингиз. Яна қандай ролларни ўйнашни орзу қиласиз?

— Мен театр сахнасида Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Алпомиш образларини яратиш-

ни орзу қилардим. Ниҳоят яқинда, мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб сахналаштирилган, У.Азим қаламига мансуб "Алпомишнинг қайтиши" спектаклида Алпомиш ролини ўйнадим. Бу асар Ватанимизнинг мустақил бўлиши, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизнинг қайтиши ҳақида ҳикоя қилади.

Яна жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари бўлган В.Шекспир асарларидаги қаҳрамонлар образини мусикали театр сахнасига олиб чиқиш орзуим ҳам бор.

— Бугунги кунда театрга томошабин тушмай қўйди,

деган гаплар кўп кулоққа чалинмоқда...

— Йўқ, ундай эмас. Шукрки, театрга томошабин келяпти. Афсуски, енгил-елпи, олди-қочди томошаларга. Маиший ҳаёт акс этган, кишини фақат бугун билан яшашга ўргатиб кўядиган асарларга томошабинлар кўп келяпти. Энди жиддий томошалар ҳақида гапирадиган бўлсак, эртами-индинми, барибир, театр мухлислари кишини чуқур мушоҳада юритишга ундайдиган, инсоннинг ички кечинмалари ҳақида ҳикоя қиладиган, унинг руҳий ҳолатини очиб берадиган спектаклларга тушади. Бунга фақат вақт керак, холос. Томошабин расмлардан, техникадан

ёзиб кўя қолишади.

— Жаҳон театр санъати ҳақида гап кетганда ҳаммиша ҳеч нарса билмаслигимдан афсус чекаман. Сиз қайси давлат ёки халқ театр санъатини яхши кўрасиз, қайси бири руҳингизга яқинроқ?

— Европа санъати услубини ўқиб-ўрганганмиз. Кўпчилик руҳингизга Европа санъати услуби яқин, деб ҳисоблайди. Лекин сиз бу гапимни кимгадир ўзини кўрсатиш ёки кимгадир ёқиш истагида, деб ўйламанг. Ўзбек миллий театр санъатичалик бой ва кишини мушоҳадага ундовчи, хоҳ комедия, хоҳ трагедия бўлсин барча иллатларни очиб ташловчи санъат тури бошқа халқларда йўқ. Рус театр актёрлари кўпроқ ақл билан қаҳрамонлар ҳолатини очиб беришга ҳаракат қилса, ўзбек театр мактабинини кўрган актёрлар кечинма санъати орқали томошабинни тўқинлантира оладилар. Ўзбек актёрларида ички туйғу, яъни эмоция жуда баланд. Буни айниқса, А.Ҳидоятлов, Ш.Бурҳонов, О.Хўжаев, Р.Хамроевлар яратган образларда яққол кўриш мумкин.

— Айни кунларда қандай асарлар устида ишлаяпсиз?

— Театр жамоаси таътилда бўлганлиги боис ҳеч қандай спектакл сахналаштирилмаяпти. Лекин биз актёрлар тинч турганимиз йўқ. Ҳали дубляж, ҳали радиопостановка дегандек. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида мустақиллик байраги асталган театрлаштирилган томошаларда иштирок этамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МАДРАҲИМОВА  
суҳбатлашди.

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамини қизгин тайёргарлик куриллаётган бир паллада азим Самарқанд шаҳри бири-бирига икки байрамни кутиб олишга ҳозирланмоқда. "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивали яна жаҳон санъат ихлосмандларини Самарқанд сари чорламоқда.

Учинчи марта утказилаётган ушбу фестивал шуниси билан қадрлики, унда мумтоз мусикамиз, халқ қушиқлари, асл мусика дурдоналаримиздан чет эллик меҳмонлар, ташриф буюрганлар баҳраманд буладилар. Улар ун йил давомида эришган улкан ютуқларимизни ўз кўзлари билан курадилар.

Фестивал ҳар доимгидек, 25 августда қўшна Самарқанд Регистонидан катта театрлаштирилган томоша билан очилади. Бу йил фестивалда қатнашиш истагини билдирган мамлакатлар сони 34 тага етди. Бу сафар фақат хонанда ва созанда эмас, турли мамлакатлардан кўпчилик мусикашунос-мутахассислар ҳам анжуманда қатнашиш истагини билдиришган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида "Шарқ тароналари" фестивалига қизиқиш йил сайин ошиб бормоқда.

Утган йили "Шарқ тароналари" халқаро фестивалининг бош соврини соҳибаси Насиба Сатторованинг Ўзбекистондан булганлиги бизни анча қувонтирган эди.

Уйлаймизки, бу йил ҳам ўзбек миллий мусикасига, қушиғига дунё яна бир бор тан беради.

Республикамизда театр-студиялар сони яна биттага кўпайди. Яқинда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси қошида "Соғлом авлод ғунчалари" номли театр-студияси фаолият кўрсата бошлади. Бундан мақсад, ёшларни аввало маънавий соғломлаштиришда ҳар томонлама санъат йўли билан кўмаклашиш, мактабга тарбия муассасалари, мактаблар, олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчи-талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жамоат жойларида байрам тадбирлари, концерт дастурлари намойиш этишдан иборат.

Пойтахтимиздаги А. Ҳидоятлов номидаги ёш то-

ҳовли" асари сахналаштирилмоқда. Бунга пойтахтимиздаги мактаб, коллеждардан 25-30 нафар ўқувчилар жалб этилган. Унда томошабинлар ака-укаларнинг отасидан мерос қолган ҳовли учун жанжаллашиб, охирида қилаётган ишлари хатоллигига тушуниб етганлари ҳамда замонавий Отабек ва Кумуш қиёфаларини кўришлари мумкин. Театр-студиялар хусусида икки оғиз фикр. Ҳозирда ҳукуратимиз маънавият соҳасига кенг имкониятлар яратаётгани барчага маълум. Буни биргина театр-студиялар мисолида кўриш мумкин. Айни пайтда "Илҳом", "Аладдин" номли теарт-студияларда

## ЯНГИ ТЕАТР-СТУДИЯ

мошабинлар театрида "Соғлом авлод ғунчалари" театр-студиясининг "Ҳунардан зар унар" номли илк спектакли намойиш этилди. Ҳозирда театр-студия ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун қатнашувчи ўқувчи-ёшларга етарли шарт-шароитлар яратилаяпти.

— Театр-студияга асосан 7 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёш ижодкорлар танлов асосида қабул қилинади, — дейди суҳбат чоғида "Соғлом авлод ғунчалари" театр-студиясининг бадий раҳбари Шукржон Сафаров. — Шунингдек, театрларда фаолият юритаётган актёр ва актрисаларни ҳам жалб этмоқдамиз. Театр-студияга қатнашишни хоҳловчилар кўпайиб бораётгани рост гап. Чунки бизлар ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Айни пайтда мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб, драматург Комиланинг "Қадрдон

ҳам айтиш мумкинки, талантли ёш ижодкорлар талайгина. Демак, санъатнинг ажралмас қисми ҳисобланган театрларда ҳам ёш ижодкорлар, актёрлар етиштириш имкониятлари янада кенгаймоқда. Табиийки, улар орасида рақобат юзага келган десак муболаға бўлмас. Рақобат эса ривожланиш гаровидир.

Ҳозир ўқувчи-ёшлар учун ёзги таътил бўлишига қарамай, "Соғлом авлод ғунчалари" театр-студияси фаолиятини тўхтатгани йўқ. 20 га яқин иштирокчилар ўз маҳоратларини ошириш ва айниқса бўш вақтининг мазмунли ўтказиш мақсадида турли дам олиш масканлари, мактаблар қошидаги оромгоҳларда 1-2 пардали пьесалар, концерт дастурлари, сахна асарлари намойиш этишди.

Театр-студия келажакда кичик фольклор болалар ансамбли тузишни режалаштирган.

Бехбуд БОТИРОВ.

## ЭЛИЗАБЕТ ТЕЙЛОР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Машҳур киноюлдуз Элизабет Тейлор ҳақидаги фильм актрисанинг ўзига норозилик уйғотди. Сабаби — картина Элизабетнинг ўзи ёзмаган биография асосида суратга олинган эди.

Элизабет Тейлор Голливуд юлдузлари ичидан энг гўзал ҳамда энг мураккаб

тақдирга эга актрисалардан бири. Унинг саккиз бора турмуш қурганлари ва ишқий саргузаштлари ҳақида бир нечта китоблар ёзилган. Ушбу фильмдан эса унинг кўнгли тўлмади.

Элизабет Тейлор ролини гўзалликда ундан қолишмайдиган актриса Шерилин

Денн ўйнаган. Тейлорни геярли ўн йил ақдан оздирган машҳур Ричард Бартон образини яратган актёр эса Шерилин ҳам бўш ўйнаганини айтишмоқда.

Хуллас, киноюлдуз ҳақида кино яратиш осон эмаслиги яна бир қарра исботланди.

## “ЎЗБЕКИСТОН БУЛБУЛИ” ИЗДОВАЛАРИ ТАНЛОВИ

Бу дунёда шундай инсонлар бўладики, улар умри мазмунини эл-юрт қорига яраб, халқ хизматини қилишда деб билишади. Ана шундай инсонлар улимидан кейин ҳам қадр топаверади.

Мана иккинчи йилдирки, "Ўзбекистон булбули" деб эътироф этилган халқ ҳофиз Таваккал Қодиров хотирасига бағишлаб ўтказилган кўрик-танлов санъат шивавандаларининг катта байрамига айланиб кетмоқда.

"Водий овози" номини олган танловнинг якуний босқичи Аҳмад ал-Фаргоний номидаги мажмуада ўтказилди. Дастлаб шоир туглиб ўсган жой Қувада ўтган кўрик-танловнинг олий соврини кўқонлик хонанда Манзураҳон Рустомовага насиб этди. Қувалик Сожидахон Умурзоқова, андижонлик Насибахон Аминова, фарғоналик Собиржон Нишонлар ҳам ҳофизга чин шоғирлик садоқати рамзи бўлган истеъдодларини намойиш этиб, совринли уринларни қўлга киритишди.

Ғолибларга турли қимматбаҳо совғалар топширилди. Улар мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этишга ҳам тавсия этиладиган бўлди.

**ҲАКИМ "ТОРОНТО"ГА  
ЎТАДИ**

"Хьюстон Рокетс" клуби марказий ўйинчиси Ҳаким Олажуван "Торонто Репторс" жамоаси аъзоси бўлди. 38 ёшли баскетболчи ўзининг 17 йиллик фаолиятини ўтказган кадрдон клубини камида бир йилга тарк этди. Техасс клубида 2 марта МБА чемпиони деган номга эришган Ҳакимнинг янги жамоа билан тузган шартномаси 10,2 миллион долларни ташкил қилади.

**АВСТРИЯДА ПЛЯЖ  
ВОЛЕЙБОЛИ**

Австриянинг Клагенфурт шаҳрида пляж волейболи бўйича Жаҳон чемпионати мусобақалари старт олди. Фақатгина икки кишидан таркиб топган жамоалар бахсларининг дастлабки натижаларига кўра, россияликлар норвегияликлар устидан ғалабага эришди. 3 та жуфтликдан иборат гуруҳларда саралаш ўйинлари давом этапти.



**ТУРКИЯ ФУТБОЛИДА  
ЯНГИ ҚОИДА**

Туркия футбол федерацияси ўйингоҳларда мухлисларнинг ўзини тутишларидан безор бўлган кўринади. Федерация шу йил миллий чемпионат ўйинларига жорий этишни режалаштирган янги қоидага кўра, қайси клуб мухлислари мусобақа давомида ўзини "яхши" тутмасе, бу жамоага мағлубият ёзиб қўйилади.

**ТАЙСОН МАТБУОТГА  
ИЗОҲ БЕРДИ**

Маълумки, таниқли бокс юлдузи Майк Тайсон ўтган ҳафта бегона аёлни зўрлаганликда айбланган эди. Шу можаро атрофидаги мишмишларга барҳам бериш мақсадида матбуот анжуманини ўтказди. Тайсонни маҳкамага тортиш учун етарли асос бўлмагани боис, у ҳозирча полиция таъкибидан ҳолис яшапти.

**ГОЛЬФ БЎЙИЧА  
ОЧИҚ ТУРНИР**

Москва яқинидаги Нахабино худудида "Russian Open 2001" аънавий йиллик турнири бошланди.


Ушбу йирик спорт мусобақалари бу йил 9-мартга ўтказилмоқда. Мусобақалар 1996 йилдан Европа Челенжер Тур таркибига киритилган эди. Бу йил мусобақаларга 22 мамлакатдан 156 иштирокчи ташриф буюрди. Улардан 23 нафари рейтинг таснифида биринчи ўттизликка кирувчи спортчилардир. Фолиб учун ажратилган соврин ҳам оз эмас — 16 минг фунт стерлинг. Бундан ташқари ҳомийлар томонидан биринчи ўрин эгасига уч йилдан буён "BMW-525" русумли автомобил совға қилинади. Бунинг учун гольф устаси 180 м. масофадаги нишонни аниқ уриши керак бўлади.

Хуллас, спортнинг бу тури ҳам ўз жозибаси ва ҳолислиги билан кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Мусобақаларнинг очилиш маросимида уни Олимпия ўйинлари сафига киритиш масаласида ҳам фикрлар билдирилди. Ва бу 2008 йилга мўлжалланапти. Агар бу иш амалга охсас, 104 йил ўтиб гольф яна ўз мавқеини тиклаган бўлади.

АҚШда ҳукм сураётган жазирама иссиқ об-ҳаво ноодати бўлиб, бундан кўпчилик азият чекмоқда. "Миннесота Винингз" клуби аъзоси миллий футбол лигаси ўйинчиси Кори Стрингер машғулотлар пайтида таъсир

**ЖАЗИРАМА  
ИССИҚДАН...**

қилган кучли иссиқ ҳаво натижасида оламдан ўтди. Кейинги икки йил давомида фақат асосий таркибда майдонга тушаётган футбол юлдузи кутилмаганда ҳушидан кетгач, яқин-атрофдаги маҳаллий Манкато касалхонасига ётқизилди. Врачларнинг 15 соатлик уринишларию муолажалари, афсуски, наф бермади.




**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА  
БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ**

Спорт юртимизни дунё кўзгусида тобора равшанлантирмоқда.

Мамлакатимиз спортчиларининг катта майдонларда турли даражаларда эришаётган ютуқлари, бир томондан, юртимиз байроғининг янада юксак кўтарилиши ва мадҳиямизнинг янграшига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, кўплаб спорт турлари бўйича дунё миқёсида ўтказиладиган мусобақаларга пойтахтимизнинг мезбон бўлишига имконият яратмоқда. Демак, ўзбекнинг меҳмоннавозлигини кўрсатишга яна бир имкон: 9-13 август кунлари Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда 1981-83 йилларда туғилган ёшлар 50 дан 130 кг.гача бўлган вазн тоифаларида иштирок этадилар.

Ана шу юксак мусобақа арафасида мазкур тадбирга бағиш-



ланган "WRESTLING IX" маҳсус рангли журнали чоп этилди. Жаҳон андозалари даражасида "Растр" қўшма корхонасида нашр этилган безакли журнал фотомухбир Абдуғани Жумаев бошлиқ ижодий гуруҳ томонидан тайёрланди. "Эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати — қувончли ва масъулиятли ҳодиса. Ва мен Ўзбекистон Спорт кураши Ассоциацияси навбатдаги ушбу чемпионатни ўтказишга ўз номзодини қўйганидан хурсандман". Журналнинг дастлабки

саҳифаларидан ўрин олган FILA президенти Милан Эрцеганнинг қутлови ушбу сўзлар билан бошланади. Шунингдек, журналда Ўзбекис-тон республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон биринчилигини ўтказиш Ташкилий қўмитаси Раиси Ҳамидулла Кароматов, Ўзбекис-тон Кураш спорти Ассоциацияси Президенти, FILA бюро аъзоси, доктор Аҳрор Рўзиев, Ўзбекистон Эркин кураш федерацияси президенти Салим Абдувалиев, Ўзбекистон Юнон-рум Кураши Федерацияси президенти Ботир Турсуновларнинг қутлов сўзлари берилган. Журналнинг сўнги саҳифаларидан эса мазкур чемпионатни ўтказиш ташкилий қўмита аъзолари, Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари рўйхати ҳамда бир қатор хорижлик эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон ва олимпиада чемпионларининг мамлакатимиз тўғрисидаги фикр, эътирофлари ўрин олган.

Шерали НИШОНОВ.  
Абдуғани ЖУМА олган суратлар.

**МИЛОШЕВИЧНИ  
ТУНАБ КЕТИШДИ**

Югославия терма жамоаси ҳамда "Парма" клубининг ҳужумчиси Саво Милошевични куни кеча номаълум шахслар тунаб кетишди. Маълумотларга қараганда, бошқинчилар футболчини фақатгина тилла соатини олишган, ҳолос. Унинг ёнидаги пулларга эса тегишмаган. Милошевич бу билан иккинчи марта ўғирлик қурбони бўлди. Хабарингиз бўлса, таниқли ҳужумчи шу йилнинг баҳор фаслида иккита "Мерседес" русумли автомашинасидан ҳам ажралганди.

Ўғирлар қуршовида қолган футболчи воқеани қуйидагича талқин қилди: "Омадим бор экан, тирик қолдим. Акс ҳолда бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Аввалига мен уларга қаршилик кўрсатмоқчи бўлдим. Лекин бошқинчиларнинг биттасининг қўлида пистолет борлигини кўриб, қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушундим".

**64 КАТАКЛИ "МАЙДОН" ҚИРОЛИГА**

ҳар йили алоҳида мукофот берилади. Дунё миқёсидаги учрашувларда энг яхши натижаларга эришган, йилнинг биринчи рақамли шахматчиси дея эътироф этилган шахсга "Оскар" мукофоти 1967 йилдан топшириб келинмоқда. 2000 йилнинг ана шундай

ажойиб совғаси Владимир Крамникка насиб этди. У ўтган йили қатор йирик халқаро турнирларда ғалаба қозondi. Гарри Каспаров устидан тож учун курашда ҳам фолиб чиқиб, дунёнинг энг кучли шахматчиси эканлигини кўрсатди. Шунини қўшимча қилиш мум-

кинки, "Оскар" номидаги бундай катта ютуқни Анатолий Карпов энг кўп — 9 марта қўлга киритган. Мукофот илк бор даниялик гроссмейстер Бент Ларсенга насиб этган. Фолиблар ҳар йили шахмат журналистлари сўровномасига кўра аниқланади.


**QUTLOV**



Ҳурматли устозимиз Рустамбой Исмоилов!  
Қутлуғ 50 ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ-умр, соғлиқ тилаймиз. Омад сизнинг доимо ҳамроҳингиз бўлсин.  
Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Ўзбекистон номли 26-мактаб жамоаси.

## «СПОРТ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Белгиланган хонадан ракам атрофига соат мили йўналишида: 1. Ватанизмнинг таникли қиличбози, олимпиада ўйинлари совриндори, жаҳон чемпиони. 2. Венгриялик шахмат гроссмейстери. 3. Чавандозлик мусобақалари ўтказиладиган иншоот. 4. Ўзбек самбочиси, жаҳон чемпионатларининг икки бор ғолиби. 5. Мамлакатимизда оммалашаётган спорт ўйини. 6. От миниб, учи эгри таёқ билан ўйналган спорт тури. 7. Шахмат донаси. 8. Боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев чемпионлика сазовор бўлган олимпиада ўйинлари маркази бўлган шаҳар. 9. Боксдаги ҳолат. 10. Японияда юзага келган спортнинг яккама-якка олишув тури. 11. Уч карра жаҳон чемпиони, олти карра Европа чемпионлигига сазовор бўлган баскетболчи ватандошимиз. 12. Чавандозликда талаб этиладиган от сифати. 13. Катта спорт иншооти. 14. Енгил атлетика таркибига кирувчи спорт тури. 15. Мусобақада санчиликларни кайд этиш учун электр контакт қурилмаси ўрнатилган, эгилувчан қилич. 16. АҚШлик машҳур теннисчи. 17. Енгил атлетикада улоқтириш учун иш-



латиладиган анжом. 18. Тенг натижа билан тугалландиган мусобақа. 19. Профессинал бокс бўйича жаҳоннинг бир неча бор чемпионлигига сазовор бўлган юртдошимиз. 20. Японияда ўтказилдиган Осиё ўйинларида чемпионлика сазовор бўлган енгил атлетикачи спортчиларимиздан бири. 21. Жаҳон чемпиони, олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлган ўзбек боксчиси. 22. Пойтахтимиздаги спорт иншооти. 23. Сайёҳлик спорти. 24. XXVII олимпия ўйинларининг бокс бўйича совриндори бўлган ватандошимиз. 25. Курашчиларга бериладиган ном. 26. Эркин кураш бўйича Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби бўлган ўзбек спортчиси. 27. Энг узок масофа — 42 километр 195 метрга югуриш спорти. 28. Самбо бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори, ватандошимиз. 29. Ўзбекистоннинг ўтган йилги энг кучли спортчиларидан бири, кураш бўйича жаҳон чемпиони.

ТАСВИРЛИ  
МУАММОМА

Шаклда қайси спорт турлари ифодаланганлигини топинг.

Фозилжон ОРИПОВ

## ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 28 ИЮЛЬ СЕНИДА БЕРИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

1. Муҳаммадқаримов. 2. Вамбери. 3. Ирмоқ. 4. Курама. 5. Ака. 6. "Адида". 7. Сават. 8. Тангриев. 9. "Волга". 10. Ананас. 11. Синус. 12. "Сетора". 13. Азим. 14. Мот. 15. "Тановар". 16. "Рост". 17. Теннис. 18. "Сегох". 19. Хумо. 20. Онг. 21. Гули. 22. Илдиш. 23. Зидан. 24. Неолит. 25. Теорема. 26. Ангрэн. 27. Норин. 28. Нотик. 29. Қармоқ. 30. Қалб. 31. Билим.

## ТАБИАТДА ТЕЗЛИК

Материя ҳаракатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Унинг ҳаракат шаклларида бири жисмининг фазодаги ҳаракатидир.

Атом ва молекулалардан тортиб сайёра ва галактикаларгача ҳамма нарса абадий ҳаракатда. Тезликлар иқаласига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қўйи чегараси йўқ; назарий жиҳатдан ҳар қандай ҳаракатни энг секин тезликда тасаввур этиш мумкин. Юқори иқаланинг эса чегараси бор. Бу ёруғлик тезлиги бўлиб 300.000 км/с га тенг деб қабул қилинган.

Одамнинг югуриш тезлиги 10 м/с бўлганда, нерв толалари бўйлаб ҳаракатланаётган нерв импульсларининг тезлиги 120 м/с гача етади. Қон аортада 0,2 м/с тезликда, томиларда 3х10<sup>-4</sup> м/с (0,3 мм/с) тезликда тарқалади. Обқат ҳам ичакларда секин (5х10<sup>-3</sup> м/с=0,5 см/с) силжийди. Ўз-ўзидан равшанки, организмнинг яратувчилик жараёни низоҳатда масъумиятли ва шу боис у аста-секин яралиши керак.

Одам ҳаётининг биринчи

йилида тез ўсади, бўйига чорак метр қўшилади. Бундан ташқари тирноқ (2 мм/с) ва сочнинг (0,35 мм/сутка) ойига ўсиши организмнинг ривожланишидан дарак беради.

Сир эмаски, спортда энг муҳими — тезлик. Дарвоқе, қисқа масофага югурувчи 10 м/с гача тезликда югуради, узок масофага югурувчи 7 м/с, узокқа сакрайдиган 9,5 м/с, баландга сакрайдиган 6,7 м/с, сузувчи 2 м/с тезликда ҳаракатланади.

Спорт снарядлари иргитилганда 30 м/с, камон ёйи — 70 м/с, спорт милтигидан отилган ўқ — 800 м/с тезликда ҳаракат қилади.

Ерда ҳаммадан ҳам гепард тез югуради (120 км/соат=33 м/с), сувда эса — қилич балиқ (135 км/соат=37 м/с). Қушлар орасида олтинсимон бургутга тенг келадигани йўқ; у юқоридан пастга соатиға 160 километр (44 м/с) тезликда шўнғийди.

Қутилганидек, бу рекордларнинг акси ҳам бор. Масалан, тошбақа (5 см/с) ва шиллиқурт (1,6 мм/с) бунга яққол мисол. Агар одам ҳубалчанг (0,5 мм/с) ва

кўрсичқон (1 мм/с)ларнинг ҳаракатланишини кўрса, уларни ҳам тошбақалар қаторига қўшиб қўярди.

Энди ўсимликлар ҳақида. Бомбук дарахти 4,5х10<sup>-6</sup> м/с тезликда ривожланади. Россия ўрмонларидаги қўзқоринлар тез ўсиш бўйича ўсимликлар орасида чемпион ҳисобланади. Ўт-ўланлар (10-7 м/с гача) ва дарахт (4х10<sup>-9</sup> м/с гача) лар ҳам улардан секин ўсади. Бундан ташқари дарахтлар энгиза ҳам (1,5х10<sup>-11</sup> м/с) ўсади.

Дарёлар (7 м/с гача) ва денгиз оқими (3 м/с гача), тўлқинлар (5 м/с гача) тезлигини одам тезлиги билан таққослаш мумкин. Тахминан мана шундай тезлик билан қор (0,2 м/с), ёмғир (8 м/с) ёғиши мумкин. Булутлар (20 м/с), қўчқилар (30 м/с), шамол, довулда (70 м/с) жонсиз табиат билан ҳайвонот оламнинг энг тез югурадиган вакиллари баҳслаши олади.

Ер қаъридан чиқадиган нефть (6х10<sup>-4</sup> м/с гача) ва сув (10<sup>-3</sup> м/с гача) тезлигини томилар бўйлаб ҳаракатланаётган қон тезлигига қийёслаш мумкин.

Ажабланарлиси, тоғларнинг ўсиши (6х10<sup>-10</sup> м/с гача), қитъаларнинг силжиши (1,5х10<sup>-9</sup> м/с гача) қуррамиз шаклининг ўзгаришидан дарак беради.

Еримиздан само кенгликларига ўтар эканмиз, тезликларнинг кескин ошганини пайқаймиз. Ернинг айланishi тезлиги 465 м/с га тенг Қуёш орбитаси бўйлаб Ернинг айланishi тезлиги 30.000 м/с га баробар.

Қуёшнинг Галактика маркази атрофида айланishi тезлиги 250 км/с га тенг. Ердаги биринчи космик тезлик 7,9х10<sup>3</sup> м/с атрофида. Метеоритлар ер атмосферасига 1-7х10<sup>4</sup> м/с тезлик билан кириб келади. Ернинг сунъий йўлдоши космик бўшлик сари 2-7х10<sup>3</sup> м/с тезлик билан учиб боради.

Шоҳиди бўлганингиздек, табиатда тинч нарсанинг ўзи йўқ. Аслида ҳаракат табиатда мавжуд бўлишликнинг ягона шартидир.

Эркинжон ЯРАШЕВ,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон шаҳри,  
61-мактабнинг  
физика фани ўқитувчиси

## Bilasizmi?

## Ma'rifat

ТАБСИС  
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва даллалар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»-дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,  
Навбатчи: Фарҳод ЭРДОШЕВ.

Ва низоҳат яқинда никоҳ маросими. 4 июль куни енгилмас жосус Жеймс Бонд ўзининг узок йиллик дугонаси Келли Шей Смит қўлига никоҳ узугини тақди.

Барча кино ихлосмандларига Жеймс Бонд номи билан танилган ҳақиқий исми шарифи Прис Броснан бўлган актёр аслида 1999 йилнинг октябрь ойида турмуш қуриши керак эди. Лекин Прис Броснаннинг 17 ёшли ўғли оғир автомобил ҳалокатига учраб, ушбу тўй маросими қолдирилганди.

ЖЕЙМС БОНД  
ЎЙЛАНИШ АРАФАСИДА

Ирланд аъналарига кўра Ж.Бонд ўз қайлиги билан шампан виноси ичмайди. Ҳозирча Броснан ўз иштирокидаги фильмнинг 20-қисмини гапирган йўқ.

Прис Броснан ҳақида яна икки-уч оғиз. Актёр доворак жосус 007ни унутдим деб, ҳисобламоқда.

Юқорида П.Броснан ўзи иштирок этган фильмнинг 20-қисми ҳақида лом-лим дегани йўқ, деб айтиб ўтган эдик. Лекин фильм сценарийсининг биринчи варианты тайёр ва у «Охириги вази-фа» деб номланади. Бу қисмда Бонд узок вақтдан бўён сақланиб келинган сирни билишга муваффақ бўлади. Фильм сценарийси ҳар доим-гидек жуда қизиқарли ёзилган.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси шу бошқарманинг бош ҳисобчиси Шодийёр Тожиевга онаси

Саидбиби ая  
ЗАЙНИДДИНОВАнинг  
вафоти муносабати билан  
таъзия билдиради.

«Тил ва адабиёт таълими»,  
«Преподавание языка и литературы» журналлари таҳририяти таҳририят бўлим муҳаррири Назира Саломовага турмуш ўртоғи, Ўзбекистон халқ шоири

Муҳаммад ЮСУФнинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маърифат» газетаси жамоаси газета собиқ фотомухбири

Неъмат АБЗАМОВнинг  
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институти «Учиш аппаратлари конструкцияси ва уларни лойиҳалаш» кафедра доценти Б.А.Валиевга оналари

ЛУТФИЯ АЯНИНГ  
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъзия изҳор қилади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июль 1998 йил рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149, 150.  
Г-2717. Тиражи 14.802.  
Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.  
Топширилди — 20.00